Frontal o'qitish - o'qitishning an'anaviy turlaridan biri hisoblanib, o'qituvchi butun sinf bilan yagona mazmun, maqsad va vazifalar asosida ish olib boradi. Ushbu o'qitish shaklidan suhbat, ko'rgazmalilik, amaliy metodlarni qo'llashda hamda o'quvchilar bilimini nazorat qilish jarayonida foydalaniladi. O'qitishning frontal shaklida dars o'qituvchining monologi yoki an'anaviy tushuntirib, savol-javob o'tkazish emas, balki o'qituvchi va o'quvchi orasidagi suhbat, yangi tushunchalarni muhokama qilish va birgalikda yechimlarni topishdan iboratdir.

Jamoa bo'lib ishlash - o'qitishning frontal shaklidan shunisi bilan farq qiladiki, bunda sinf o'quvchilariga o'z liderlari va o'zaro aloqa qilish xususiyatlariga ega bir butun bir jamoa deb qaraladi.

Guruhlarga bo'lib ishlash - o'quvchilar turli muddatga shakllangan guruhlarga bo'linadi. O'qitishning bu shaklidan yangi dasturiy vositalarni o'rganishda, loyihalar ustida ishlashda, kompyuterlar soni yetarli bo'lmaganida foydalanish mumkin. Guruhlarga bo'linib ish olib borilganda, guruhlar ichida jadal axborot almashish amalga oshiriladi. Shuning uchun, guruhlar turli bilim darajasiga va qiziqishiga ega o'quvchilardan shakllantirilishi zarur. Turli bilim darajasidagi o'quvchilarning bir-biri bilan muloqot qilish natijasida bilim, ko'nikma, malakalarni o'zlashtirish samaradorligi oshadi.

Juftliklarda ishlash - o'quvchilar juftliklarga bo'linib, yagona bir vazifani hal qilish maqsadida o'zaro o'rganish, o'zaro nazoratni amalga oshiradilar. Shuni ta'kidlash kerakki, ayrim hollarda o'quvchiga sinfdoshining yordami o'qituvchining yordamidan



ko'proq samara berishi mumkin.

Individual ishlash - o'qituvchining bir o'quvchi bilan o'zaro aloqasi (repetitorlik, tyuterlik, konsultatsiyalar berish va boshqalar). Informatika darslarida har bir o'quvchining individual faoliyatini boshqarish murakkab jarayondir. O'qituvchi ushbu faoliyatni samarali boshqarishi uchun o'z pedagogik tajribasini yo'naltirib, o'rgatuvchi dasturlar, mavjud dasturiy vositalar hamda axborot resurslaridan dars jarayonida foydalanish zarur. Informatika individual o'qitishning yangi bir turi "o'quvchi va kompyuter"ni shakllantirdi. O'quvchi kompyuter bilan yakkama yakka qolib, o'zi uchun o'quv materialini o'zlashtirishning individual rejasini ishlab chiqadi. O'qituvchining asosiy vazifalaridan biri - o'quvchida mustaqil bilim olish malakalarini shakllantirish.

Namoyish. O'qituvchi ekranda o'quvchilarga kurs mazmunining turli elementlarini namoyish etadi: interfeys, dasturlar, sxemalar, matnlar, rasmlar va boshqalar. O'qituvchi ekran yordamida kompyuterda turli vazifalar bajarilishini ko'rsatadi, o'quvchilar o'z kompyuterlarida bajaradilar. Namoyishning asosiy funksiyasi - o'quvchilarga yangi o'quv axborotini yetkazish.

Labaratoriya ishi informatika kabinetida ishlashning asosiy shakllaridan biri. Barcha o'quvchilar o'z ish joylarida tegishli dasturiy vositalar bilan ish olib boradilar. Shuningdek, o'quvchilar sinxron tarzda turli dasturiy vositalar bilan o'quv faoliyatini olib borishlari mumkin. Frontal labaratoriya ishi jarayonida o'qituvchining vazifasi o'quvchilarning ishlarini kuzatish hamda ularga amaliy yordam berish. Foydalanilayotgan dasturiy vositalarning didaktik vazifasi turli bo'lishi mumkin: yangi materialni o'zlashtirish (masalan, o'rgatuvchi dasturlar orqali), yangi mavzuni mustahkamlash (masalan, trenajer dasturlar yordamida), olingan bilim va ko'nikmalarni nazorat qilish (nazorat dasturlari yoki testlar orqali).

Ekskursiya. Ekskursiyaning asosiy maqsadi jonli informatikani boshqaruvda yoki ishlab chiqarishda ko'rsatishdan iborat. Ekskursiyani kurs, bo'lim yoki mavzularni o'rganilguncha yoki undan keyin o'tkazish mumkin. Birinchi navbatdagi maqsad fanga bo'lgan qiziqishni shakllantirish, ikkinchidan, bilimlarni umumlashtirish va hayot bilan bog'lashdan iborat.

Metod (gr. Methods - tadqiqot) aniq bir tartibga keltirilgan faoliyat bo'lib, biror maqsadga erishish uchun, borliqni nazariy va amaliy o'zlashtirishning usul va shakllari yig'indisidir. O'qitish metodi tushunchasini aniqlashtirishda turli yondashuvlar mavjud:

- o'qituvchi va o'quvchilarning faoliyat usuli;
- faoliyat turlari majmuasi;
- o'qituvchi va o'quvchilarning o'zaro harakat tizimi.

O'qitish metodi - ta'lim-tarbiyaning muayyan vazifalarini amalga oshirishda foydalaniladigan, o'quvchi va o'qituvchining bir maqsadga yo'naltirilgan o'zaro hamkorligining tashkil qilish qoida va prinsiplari.

O'qitish shakl va metodlarini tanlashda va tuzishda quyidagilar asosiy rol o'ynaydi:

- ta'lim-tarbiyaning maqsad va vazifalarining mosligi;
- o'rganilayotgan materialning mazmunga mosligi;
- o'quvchilar imkoniyatlarining ta'limga mosligi;
- ergonomik sharoitlar (darslarni jadval bo'yicha o'tkazilish vaqti, kompyuterda ishlash vaqtining davomiyligi);
- o'qituvchining individual xususiyatlar va imkoniyatlarga mosligi.

Nafaqat informatika darslarida, balki boshqa fanlarda ham o'qituvchi o'quvchilarni olayotgan yangi bilimlarini tez, oson va samarali o'zlashtirishga yordam beradigan metod va shakllarni tanlab olishi kerak. Yuqoridagi o'qitish shakl va metodlaridan



foydalanish o'quvchilarning faolligini oshirishga ham yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

- 1.A.Sattorov. Informatika va axborot texnologiyalari. Darslik. - Toshkent. 2008.
- 2.N.Azizxodjayeva. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma. - Toshkent. 2003.
- 3.A.Abduqodirov., A.Xaitov., R.Shodiyev. Axborot texnologiyalari. - Toshkent. 2004.



BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHISINING TA'LIMDA KREATIVLIK FAOLIYATINING MAZMUNI VA AHAMIYATI

Niyozova Lola Safarovna

Navoiy viloyati Qiziltepa tumani 19 - umumiy o'rta ta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada boshlang'ich sinf o'qituvchisining ta'lim - tarbiya jarayonida kreativlik faoliyati va uning ahamiyati, kreativlik o'zi nima ekanligi, uning mazmun - mohiyati, boshlang'ich sinf o'qituvchisining ijodkorligi, qiziquvchanligi bugungi zamon talabi ekanligi haqidagi fikrlar bayon etilgan.

Tayanch iboralar: Kreativlik, innovatsiya, integratsiya, pedagogik, psixologik, ijtimoiy yo'nalganlik.

O'zbekiston Respublikasining ta'lim sohasini isloh qilishdagi sa'y harakatlarining biri - bu pedagog kadrlarning zamon talablariga hamnafas tarzda faoliyat yuritishlari, har tomonlama rivojlangan komil shaxsni tarbiyalashga doir chuqur bilim, ko'nikma, malaka va madaniyatga ega bo'lishlarini talab etmoqda. Bu esa o'z - o'zidan ta'lim va tarbiya ishlarining qonuniyatlarini o'rganuvchi pedagogika faniga "kreativlik" degan tushunchani olib kirdi. Ayniqsa ilmiy bilimning bugungi kundagi rivojlanishi, kreativlikning shaxsni, jamiyatni va davlatni rivojlantirishga ta'siri ushbu masalani ilmiy pedagogik nuqtayi nazardan chuqur o'rganishni talab etmoqda. R.A. Mavlanova o'zining "Boshlang'ich ta'limda pedagogika, innovatsiya, integratsiya" nomli o'quv qo'llanmasida kreativlikning o'zi nima ekanligi va uning shakllanishi masalalariga alohida to'xtab o'tgan. Qo'llanmada kreativlik tushunchasining mazmuni va mohiyati chuqur tahlil etilgan. Kreativlik psixologik nuqtayi nazardan tahlil etilgan bo'lib, bugungi kunda pedagogik nuqtayi nazardan tadqiq etishni talab etilayotgan muhim pedagogik muammodir va "□u o'qituvchining kasbiy va shaxsiy sifatining integratsiyasidir. Chunki o'qituvchi tabiatan qiziquvchan, intiluvchan bo'lmas ekan, bunday o'qituvchi hech qachon ijodkorlikni namoyon eta olmaydi" [1]. Fikrimizcha, boshlang'ich sinf o'qituvchisida jodkorlik, o'z kasbiga qiziquvchanlik, o'quvchilarni sevish, ular bilan yaqin munosabat o'rnatish, yangiliklardan xabardor bo'lishga intilish kabi xususiyatlarni o'zida aks ettirish kreativlikning asosiy ko'rinishlaridir. Bundan tashqari yuqoridagi o'quv qo'llanmada "kreativlik o'qituvchilarda o'z - o'zidan paydo bo'ladigan sifat emas, u o'qituvchining yangiliklarga intilishi, yangiliklarni o'zlashtirish va o'zining pedagogik faoliyatida qo'llay olish jarayonlarida duch keladigan qiyinchiliklarni yenga olishi, innovatsion yangiliklarni o'z faoliyatida faol, ijodkorona foydalana olish va o'z mualliflik g'oyalari, yechimlarni (evristik) topa olishi bilan bog'liqdir [2], degan fikrlar bildirilgan. O'qituvchilarning kreativlik faoliyati masalasi pedagogika fanida qanday darajada o'rganilgan, shular orasida boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kreativlik faoliyat yuritishi qanday darajada, ularning kreativlik faoliyatni darajalarga ajratish mumkinmi, degan masala pedagogika ilmida qanchalik darajada o'rganilgan?! kabi haqli savollar tug'ilishi tabiiy. Bola psixologiyasi nuqtayi nazaridan oladigan bo'lsak, bu o'rinda boshlang'ich sinf o'qituvchisi xususida alohida to'xtalmoq zarur. Chunki boshlang'ich sinf o'qituvchilari boshlang'ich sinf o'quvchilarining yosh, individual hamda psixologik xususiyatlarini inobatga olgan holda o'zlarining pedagogik faoliyatlarini olib borishi talab etiladi. Vaholanki, o'quvchi shaxsning shakllanishida pedagogik hamda psixologik mexanizmlar faol ishtirok etadi. Ya'ni shaxsning shakllanishida irsiyat, muhit, tarbiya, faoliyat bilan bir qatorda insonning ichki kechinmalari, tushunchalari, ruhiyati, xavotirlari va qiziqishlari kabi ko'plab psixologik xususiyatlar, holatlar va jarayonlar ham asosiy



o'rinni egallaydi. Shu nuqtayi nazardan aytish joizki, bola shaxsiga ta'sir etayotgan turli xil omillar, albatta, insonning ruhiyati, sezgilari, his - hayajonlari, fikr - mulohazalari chizgisida namoyon bo'ladi. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kreativligi o'quvchilarning psixologik xususiyatlarini bilishda ko'zga tashlanadi.

Kreativlik bevosita innovatsiyalar bilan bog'liq jarayondir. Negaki o'qituvchining kreativlik faoliyat yuritishi uchun, u albatta o'zining sohasidagi eng so'nggi yangiliklardan, shu bilan bir qatorda butun jamiyatdagi voqea va hodisalardan boxabar bo'lishi, innovatsion yangiliklardan o'z faoliyatida o'rinli foydalana olishi lozim. Demak, o'qituvchi ijodkor va tashabbuskor bo'lishi, ta'lim jarayonini yangicha modellashtirishi, ishda innovatsiyalar asosida yangi o'qitish texnologiyasini joriy qilishi zarur. O'quvchilarga har tomonlama ta'lim va tarbiya berishning rivojlantiruvchi jihatlari ustida ishlashi lozim. "Rivojlantiruvchi ta'lim ma'lum bir vaqtda, o'quvchini ta'limiy, tarbiyaviy, ma'naviy, ruhiy va jismoniy rivojlantirish hamda uni juda tez o'zgaruvchan dunyoga, jamiyatga, hayotga moslashuvini ta'minlovchi ta'lim nazariyasidir. Rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyalari va usullarini dars jarayonida qo'llash, o'quvchilar qiziqishning ortishiga, bilimlarning ko'nikmaga aylanishiga, bilim sifat - samaradorligining oshishiga sabab bo'ladi" [3]. O'quv jarayonida: munozara, mushoira, davra suhbat, debat, dialoglar, aqliy hujum, muammoli yechim, vaziyatdan chiqish, rolli o'yinlar, kompyuter saboqlari, internet tarmog'idan foydalanishni bilishi talab etiladi. Bunda o'qituvchi mustaqil ishlaydi, faoliyat olib boradi, sohada yangiliklar bilan doimiy ravishda tanishib borar ekan u ushbu bilimlar doirasida ijodiy fikrlaydi, o'z fikrini mustaqil bayon qiladi va uni asoslab himoya qila oladi. Natijada o'qituvchida mustaqil pozitsiyada turish ko'nikmasi shakllanadi. Mustaqil ishlash va o'z pozitsiyasida mustaqil turish ko'nikmasiga ega o'qituvchi esa ijodkorlik, ya'ni, yangilikka intiluvchan, qiziquvchan, haqgo'y va fidoyi kadr bo'lib yetishadi. Shu bilan bir qatorda ilmiy adabiyotlarni o'rganar va tahlil etar ekanmiz, shu bilan bir qatorda pedagog olimlar tomonidan kreativlikning vujudga kelish mexanizmiga doir muayyan kategoriyalarni tasviya etganligining guvohi bo'lamiz. Bular:

1.O'qituvchining o'zini o'zi boshqarish mexanizmi: pedagogik faoliyatiga ijodiy yondirishga va yangiliklardan boxabar bo'lib borishga bo'lgan ehtiyojlar, o'zining sohasidagi yangiliklarni bilishga intilish, o'z mavqesini ko'rsatish, o'z-o'zini tarbiyalashi, mustaqil tarzda ta'lim olishi, o'z-o'zini doimiy ravishda rivojlantirib borishi.

2.Yo'nalishlar: qiziqish, ijtimoiy yo'nalganlik, qadriatlarni bilish, ishonchlik, axloqiy yetuk moyilligi, dunyoqarash.

3."Men" kontseptsiyasi: men yoqimliman, men kerakman, men qodirman, men ijodkoriman, men boshqaraman, men bilaman, men o'zlashtiraman.

Fikrlarimizni umumlashtirib, xulosa qilib aytadigan bo'lsak, pedagog - tarbiyachi bo'lib bolalar bilan ishlaydigan o'qituvchidan tinmay izlanishlar olib borishni va yangiliklarni kreativ tarzda o'z faoliyatida qo'llashni talab etadi. Kreativ faoliyat yuritish o'qituvchilarda talabalik yillaridayoq shakllantirilishi va bu sifat maktabda yanada rivojlantirilishi maqsadga muvofiqdir. Kreativlik pedagogika fanida qabul qilingan yangi materiallarni o'qituvchilarning o'z faoliyatida mohirona, o'z o'rnida, o'rinli qo'llay olish bilan ham belgilanadi. Zero, maktab o'qituvchilarining kreativ faoliyati shunday darajada faollashsinki, ularning akmeologik (pedagogik faoliyatning oliy cho'qqisi) faoliyati mualliflik metodlar va texnologiyalarni taqdim etish darajasiga ko'tarilsin.

Adabiyotlar

1.R.A. Mavlanova. "Boshlang'ich ta'limda pedagogika, innovatsiya, integratsiya". T.: 2018. 78 - bet.

2.R.A. Mavlanova. "Boshlang'ich ta'limda pedagogika, innovatsiya, integratsiya". T.: 2018. 82 - bet.



3.Р. Ишмухамедова, А. Абдуқодирова, А. Пардаев. "Таълимда инновацион технологиялар". Т.: 2008. 62 - bet.



MAKTABDA ADABIYOT DARSLARI JARAYONIDA ADABIY TAHLIL VOSITASIDAN FOYDALANISH ORQALI O'QUVCHILARNI MANTIQUIY FIKRLASHGA O'RGATISH

Niyozova Xurshida Omonovna

Buxoro viloyati Qorako'l tumani 18 - umumiy o'rta ta'lim maktabi ona tili va
adabiyoti fani o'qituvchisi

*Annotatsiya: Mazkur maqolada umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'qitilayotgan adabiyot
darslari jarayonida zamonaviy o'qituvchining adabiy tahlil vositasidan foydalanish orqali
voyaga yetib kelayotgan yosh avlodning mantiqiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish
maqsadida zamonaviy texnologiyalardan foydalanish metodlari haqida fikrlar bildirilgan.*

Tayanch iboralar: Zamonaviy ta'lim, adabiy tahlil, mantiqiy fikrlash, muammoli ta'lim.

Respublikamizda zamonaviy usullarning ta'lim jarayoniga tadbiiq etilishi muammoli
ta'limni hozirgi sharoitda dolzarb pedagogik masalaga aylantirdi. Muammoli ta'limning
asosiy xususiyati o'quvchining aqliy faolligini, mantiqiy fikrlashini oshiradi.

Mamlakatimiz ta'lim tizimining har bir jabhasida bo'lgani kabi istiqloq yillari adabiyot
o'qitishda ham tub o'zgarishlar yuzaga keldi. Jamiyatni ma'naviy yuksaklikka ko'tarish,
komil insonni tarbiyalab yetishtirish o'zbek xalqining azaliy orzusi bo'lgan. Inson tarbiyasi
hissiyotlar namoyishida ko'zga ko'rinadi. O'zgalarni tushunish, dardiga sherik bo'lish hissiy
tuyg'ular orqali amalga oshadi. Kishi fikrlash, idrok etish, xotirlash, xayol surish jarayonida
faqat voqelikni bilibgina qolmay, hayotdagi u yoki bu narsalarga nisbatan ijobiy yoki
salbiy hissiyot tuyadi.[1]

Adabiy ta'limning o'ziga xosligi shundaki, unda har bir o'quvchi o'z oldiga qo'yilgan
muammoni tegishli maqsad va vazifalarni belgilagan holda bilimi, hayotiy tajribasiga
tayanib turli yo'l, usul, vositalar yordamida, intellektual imkoniyati darajasida mantiqiy
ravishda hal qilib, faqat o'zining badiiy haqiqatini chiqarishi mumkin.

O'rganilayotgan badiiy matn, undaga qahramonlar, tasvirlangan biror hodisa yoki
vaziyat borasida har bir o'quvchining asar va darslik muallifinikidan farq qiluvchi o'z
xulosasi bo'lishi mumkin va bu mantiqqa zid bo'lmaydi. Masalan: Otabek, Kumush,
Zaynab va hozirgi yoshlar (teatrlashtirilgan munozara-dars) [2] "Kumushbibining halokatida
kimni aybdor deb hisoblaysiz?" degan savol o'rtaga tashlanganda, unga har bir o'quvchining
o'z javobi bo'ladi. O'quvchilardan biri Otabekni, ikkinchisi Zaynabni, uchinchisi ota -
onalarni, yana biri davrni, kimdir Kumushbibining o'zini ayblaydi. Har kim nima uchun
shunday xulosaga kelganini matndan dalillar keltirgan holda asoslaydi va bu har bir
o'quvchining o'z fikri, xulosasi, aytish joiz bo'lsa, haqiqati hisoblanadi. Bugungi adabiy
ta'limda bir paytlar chiqarilgan xulosa - Kumushbibining halokatida faqat Zaynabni
aybdor hisoblash mumkin emas. Bunga bugungi o'quvchilarning barchasini birday ishontirib
bo'lmaydi va bunda ularning ma'naviyatiga zug'um o'tkazilgan bo'lardi. Adabiyot darslarida
o'quvchilarni mantiqiy mulohaza yuritishga o'rgatish shunisi bilan alohida o'ziga xoslik
kasb etadi.

Ko'pincha, ta'lim amaliyotida o'quvchiga tayyor bilimlarni "yig'ib oluvchi"lik roli
topshiriladi. Ta'limning bunday bir yoqlama tashkil etilishi xotiraning mexanik faoliyatiga
tayangan bo'lib unda tuyg'ular, fikrlar ishtirok etmaydi, binobarin, bunday ta'lim o'quvchini
faol ijodiy ishlashga o'rgatmaydi.

O'quvchini mantiqiy fikrlashga o'rgatish maqsadida tashkil qilingan adabiyot darslarida
tarbiyalanuvchi o'qituvchidan ma'lum vaqt ichida bajarilishi lozim bo'lgan topshiriqni
oladi. Masalan, 8-sinf "Adabiyot"[3] darsligida Alisher Navoiy va Nodiraning umr bayoni



hamda g'azallari berilgan bo'lib, o'quvchilar shoirlar uslubini bir qadar farqlaydigan bo'lganlaridan so'ng, ularga o'rganilgan g'azallar ichidan ikkitasining maqta'si olib qo'yilgan holda taqdim etiladi. O'quvchidan ularning qay biri Navoiy qalamiga, qaysinisi Nodira ijodiga mansub ekanini aniqlash talab qilinadi. Topshiriqni to'g'ri bajarish uchun o'quvchi asarning mazmuni, uslubi va unga singdirilgan muallif shaxsiyatiga xos jihatlarga asoslanishi kerakligi aytiladi. Bu topshiriqni o'z muddatida bajarish uchun o'quvchi vaqtini to'g'ri taqsimlashi va qiladigan ishlarini puxta rejalashtirishi kerak. Shuning o'ziyoq o'quvchini mantiqiy ravishda o'ylashga majbur qiladi. Har ikkala g'azalni o'qib, ularning mohiyatiga yetib, asar qahramoni hissiyotini tuyib, shu asosda muallifini aniqlash o'quvchini aqliy zo'riqtirib, haqiqatni topishga erishadigan tadqiqotchi holatiga soladi.

Bundan tashqari adabiyot darslarida o'qitishning noan'anaviy shakllaridan bo'lmish "Hhamkorlikda o'rganish" texnologiyasi o'quvchilarning mustaqil guruhlarda ishlashi evaziga ta'lim olishini ko'zda tutadigan metoddir. Bunda ham o'quvchilarni mantiqiy fikrlashga o'rgatishga erishish mumkin. Hamkorlikdagi ta'limning bir ko'rinishi kichik guruhlariga bo'linganda uning a'zolari 4 - 5 kishi bo'lishi maqsadga muvofiq. Chunki hozirda sinflarda o'quvchilar soni 20 - 25 nafarni tashkil etmoqda. Guruhda ishtirokchilar sonining ko'pligi guruh a'zolarining faol ishtiroklariga xalaqit beradi. Guruh tarkibini tanlashda, albatta, har bir guruhga "a'lo", "yaxshi" va "qoniqarli" o'zlashtiruvchi o'quvchilar teng miqdorda kiritilishi talab qilinadi. Hech qachon "kuchlilar" va "kuchsizlar" guruhi tuzilmasligi lozim, guruh a'zolari guruhning o'zlashtirishiga qarab, yangilanib turishi kerak.

Kichik guruhlarda ishlashda quyidagilarga e'tibor qaratish tavsiya qilinadi:

- guruhlariga aniq ko'rsatmalar berish;
- ishtirokchilar topshiriqlarni to'liq bajarishi uchun yetarlicha bilim va ko'nikmaga ega ekanligiga ishonch hosil qilish;

guruhlarning qoidani buzmaganda holda ishlashini ta'minlash;

guruhda kechayotgan har bir jarayonni baholab borish

"Charxpalak" metodi mavzu yuzasidan ma'lumotlarni umumlashtirgan holda puxta o'zlashtirishda samarali usul sanaladi. Ushbu usulni qo'llash quyidagicha amalga oshirilishi mumkin:

1. Sinf kichik guruhlariga bo'linadi. Har bir guruhga savollar bo'lib beriladi, har bir guruhga qog'oz beriladi va guruh a'zolari 4 - 5 daqiqa mobaynida o'zaro fikrlashib, javobni qog'ozga yozadilar.

2. Belgilangan vaqt o'tgach, o'qituvchining ishorasi bilan mikrogruphlar raqamiga qarab javoblar yozilgan qog'ozni keyingi guruhga uzatadilar.

3. Guruh har bir savolga o'zidan oldingi guruh yozganiga qo'shimcha javobiga qo'shimcha qiladilar.

4. Har bir guruh a'zolari o'zining yozgan javobini izohlab beradi.

5. Har bir guruhning savollarga yozgan javobi boshqa guruhlarning qo'shimcha izohlari berilgan holatda o'ziga qaytib keladi. Demak, savollar yozilgan qog'oz guruhlar orasida aylanib, to'ldirilgan javoblar shaklida keladi.

6. O'qituvchi yozilgan javoblarga qarab mikrogruph a'zolarini baholaydi.

Ushbu metodning afzalligi shundan iboratki, bunda guruh a'zolari savollarga bo'lib tashlangan mavzuni to'liq o'zlashtirish imkoniyatiga ega bo'ladi. Har bir guruhning fikrlari muhokama qilinishi natijasida guruh a'zolari o'z yutuq va kamchiliklarini aniqlab oladi. Eng muhimi, o'quvchilar mustaqil fikrlashga, faollikka yo'naltiriladi va ularda bilim shakllanibgina qolmay, bir-birlarini baholay olish ko'nikmasi ham paydo bo'ladi. Shu yerda muammoli va hamkorlikdagi ta'lim usullari o'zaro uyg'unlashadi. Ya'ni, o'quvchi ham yolg'iz izlanadi, ham o'z fikrini o'rtoqlariga yetkazib, asoslash orqali birgalikda bilimlarni o'zlashtiradi.

Xullas, umumta'lim maktablari adabiyot darslari jarayonida yuqorida ko'rsatib o'tilgan



adabiy tahlil vositasidan foydalangan holda zamonaviy usullarning zarur shartlaridan biri ta'lim jarayonida o'qituvchining vazifasi bir qadar o'zgarib, o'quvchilarning mustaqil bilim olishlarini ta'minlovchi, yo'naltiruvchi, maslahat beruvchiga aylanishidan iboratdir. Ta'limning zamonaviy usullari o'quvchilarni mantiqiy fikrlash ko'nikmalarining oshishi orqali faollashtirishga, ularni ishlatishga asoslangani uchun jiddiy tarbiyaviy mohiyat ham kasb etadi. Shu bois har bir o'quvchida a) jamoa bilan ishlash ko'nikmasi; b) xushmuomalalik; v) xushfe'llik; g) ko'nika bilish; d) o'zgaralar fikriga hurmat bilan munosabatda bo'lish; ye) faollik; yo) mas'ullik; j) ishga ijodiy yondashish; z) o'z faoliyatining samarali bo'lishiga qiziqish; k) o'zini holisona baholay olish kabi sifatlarni shakllantiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Jo`rayev. Yo. Adabiyot darslarida emotsional madaniyatni tarbiyalash. Til va adabiyot ta'limi jurnali, 2009. № 4. 3-bet.

2. Niyazmetova. T. Adabiy ta'lim muammolari. Toshkent. "Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi" nashriyoti. 2012. 62-bet.

3. Adabiyot. Umumiy o`rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik-majmua. Toshkent, 2019.



YOSHLARNING MA'NAVIY - AXLOQIY TARBIYASIDA HADISLARDAN FOYDALANISH

Polvonova Farida Omonboyevna

Navoiy davlat pedagogik instituti katta o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada bugungi kunda yosh avlodni ma'naviy va axloqiy tarbiyasida Sharq xalqlari ma'naviyati merosining durdonasi bo'lgan Hadislardan foydalanishning yo'llari va ahamiyati haqida fikr yuritilgan.

Tayanch iboralar: Hadis, buyuk ajdodlar, imom Buxoriy, "Al jome' as - sahih", milliy qadriyat.

Sh.M.Mirziyoev: "Bugungi kunda yon - atrofimizda diniy ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik, odam savdosi, noqonuniy migratsiya, "ommaviy madaniyat" degan turli balo - qazolarning xavfi tobora kuchayib borayotganini hisobga oladigan bo'lsak, bu so'zlarning chuqur ma'nosi va ahamiyati yanada yaqqol ayon bo'ladi. Haqiqatan ham, hozirgi vaqtda yoshlar tarbiyasi biz uchun o'z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo'qotmaydigan masala bo'lib qolmoqda." [1]

Mustaqillik yillarida barcha sohalarda bo'lgani kabi, muqaddas islom dinini o'rganish, ajdodlar merosini qayta tiklash va kelajak avlodlarga yetkazish bo'yicha ham keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Buyuk ajdodlarga munosib vorislarni tayyorlash maqsadida mamlakatimiz diniy ta'lim tizimida ham islohotlar amalga oshirilayotganini ijobiy baholash mumkin.

"Hadis ilmining sultoni" maqomini olgan buyuk vatandoshimiz Imom Buxoriyning "Al jome' as - sahih" kitobi musulmon dunyosida Qur'oni karimdan keyingi ikkinchi muqaddas manba bo'lib, islom dini e'tiqodiga ko'ra, u bashariyat tomonidan bitilgan kitoblarning eng ulug'i hisoblanadi. Muqaddas islom dini va hadis ilmi rivojiga beqiyos hissa qo'shgan buyuk vatandoshlarimizning boy merosini chuqur o'rganish, ular tomonidan asos solingan hadis ilmi maktablari faoliyatini qayta tiklash va rivojlantirish hamda islom dini asoslari va hadis ilmini mukammal o'zlashtirgan oliy ma'lumotli etuk mutaxassis-kadrlarni etishtirib chiqarish maqsadida O'zbekiston musulmonlari idorasi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo'yicha qo'mitaning Samarqand viloyatidagi Imom Buxoriy xalqaro markazi negizida Hadis ilmi maktabi tashkil etildi. Quyidagilar Hadis ilmi maktabining asosiy vazifalari etib belgilandi:

- "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun hujjatlari va ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy pritsi plarigatayangan holda islom dini sohasidafundamental bilim vatushunchalar, tarixiy va zamonaviy an'analar, innovatsiya texnologiyalarini, dinlar tarixi va nazariyasini chuqur egallagan, islom dini asoslarini, hadis ilmini mukammal o'zlashtirgan, dunyoga mashhur hadis ulamolari tomonidan bitilgan olti ishonchli hadis to'plamlarini puxta o'zlashtirgan, turli oqimlarning yot g'oyalariga qarshi raddiyalar bera oladigan hamda hadis va hadis ilmi bo'yicha oliy diniy ma'lumotga ega bo'lgan etuk mutaxassis-kadrlarni tayyorlash;

- yoshlarni milliy qadriyatlarimizga sadoqat va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, mustaqil dunyoqarashga va fikrlarga ega bo'lgan ma'naviy boy va har tomonlama barkamol avlodni shakllantirish;

- Qur'oni karim va hadislarning asl mohiyatini, hadis maktabining ilmiy-ma'naviy asoslarini, Imom Buxoriy, Imom Termiziy, Imom Dorimiy va boshqa yurtimizdan etishib chiqqan buyuk muhaddis allomalar merosini har tomonlama o'rganish va ular asosida ilmiy tadqiqot va tarjima ishlarini olib borish;

- yurtimizda asrlar davomida shakllangan "Ustoz-shogird" an'analarini davom ettirish maqsadida hadis, kalom ilmi, tafsir, fiqh, arab tili fanlari bo'yicha zamonaviy modul



tizimiga asoslangan dars va to'garaklar tashkil etish va ular faoliyatiga yurtimizda va jahonda ko'zga ko'ringan ulamolarni jalb qilish;

- hadis va hadis ilmi bo'yicha etuk mutaxassis kadrlar bilan ta'minlash chora-tadbirlarini ishlab chiqish, kadrlar sohasida xalqaro tajriba almashinuvini yo'lga qo'yish.

- O'zbekiston musulmonlari idorasi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo'yicha qo'mita bilan kelishgan holda O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlarida belgilangan tartibda Hadis maktabida sirtqi, qayta tayyorlash yoki masofaviy o'qish shakli, diniy sohadagi ilmiy va ilmiy-pedagogik kadrlarga bo'lgan ehtiyojni ta'minlashga qaratilgan oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim uchun tegishli ilmiy darajalarni berish yuzasidan Ilmiy kengash tashkil etish shular jumlasidandir. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida ham "O'zbekiston Respublikasi o'z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf - odatlari va an'analarini hurmat qilinishini ta'minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi", [2]-deb belgilab qo'yilgan.

Haqiqatan ham, bugungi kunda yosh avlodni ma'naviy -axloqiy barkamol etib tarbiyalash ishi ta'lim - tarbiya mazmunida katta o'zgarishlar qilishni taqozo etadi. Zero, yurtimizda amalga oshirilayotgan tub islohotlar hamda jamiyat ma'naviyatini yanada rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan etib belgilandi. Shuning uchun ham yurtimizda yashayotgan har bir fuqaroni milliy g'oya, milliy mafkura asosida diniy ta'limotlar, hadislar yordamida ma'naviy shakllantirish shu kunning dolzarb vazifasi bo'lib qoldi.

"Ta'lim to'g'risida"gi Qonunda yosh avlodni ma'naviy, jismoniy barkamol qilib tarbiyalashda qadimiy, milliy qadriyatlarining o'rni alohida ta'kidlangan. Bu qadriyatlarining tarkibiy qismi bo'lgan diniy ta'limotlar, hadislar yoshlarga insoniy fazilatlarini singdirishda, ularni komil inson qilib tarbiyalashda katta ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. - Тошкент, 2016 й.

2. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. T.: "O'zbekiston", 1998 yil, 4-modda, 9-bet.



GIPERAVTOMATLASHTIRILGAN BIZNES-JARAYONLAR TAHLILI

U.R.Jabbarov.

Urganch davlat universiteti

T.R.Xudayberganov, D.U.Rustamova

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Urganch filiali

Avtomatika, texnik taraqqiyot tufayli ishlab chiqarish ma'lum davrdan so'ng eskiradi va yangilanishni talab qiladi, shu jumladan amaldagi avtomatlashtirish texnologiyasini yanada zamonaviy hamda takomillashganlari bilan almashtirishni talab qiladi. Texnologik jarayonlarni murakkablashuvi va jadallashuvi tufayli zamonaviy ishlab chiqarish korxonalarini boshqarish, ularni mikroprotessor texnikasi va boshqaruvchi hisoblash texnikasini qo'llab keng avtomatlashtirish asosidagina samarali bo'lishiga erishiladi.

Axborot texnologiyalari bozorlariga ixtisoslashgan Gartner tadqiqot va konsalting kompaniyasi ma'lumotlariga ko'ra, giperavtomatlashtirish tizimlarini tatbiq qilgan kompaniyalar 2024 borib muomala xarajatlarini 30 foizga kamaytirishga erishishlari mumkin.

Giperavtomatlashtirish (hyperautomation) - bu mashinao'qitishi, dasturiy ta'minot va biror ishni bajarish uchun mo'ljallangan avtomatlashtirish vositalari birikmasidir.

Giperavtomatlashtirish asosida RPA (Robotic Process Automation - jarayonlarni robotlar yordamida avtomatlashtirish) texnologiyasi yotadi. Bu texnologiya korxonada biznes-jarayonlarida nafaqat jonli ishlaydigan xodimlarning, balki oldindan belgilangan harakatlarni bajaradigan dasturiy ta'minot botlarining ham faol ishtirok etishini nazarda tutadi. Ushbu botlar huddi odamlar kabi foydalanuvchilar harakatlarini to'liq taqlid qilishga erishish imkonini beradigan "inson" interfeyslarini qo'llash darajasida biznes-takliflar bilan o'zaro aloqani amalga oshirishlari mumkin.

Turli masalalardagi takrorlanadigan amallarni aniqlab, ularni xodimga nisbatan tezroq va aniqroq hal qiladigan shunday virtual yordamchiga qayta topshirish mumkin. Natijada, inson real intellektual mahorat, bilim-malaka, tajribani talab qiladigan yuqori darajadagi muammolarni hal qilish uchun ixtiyorida ko'proq bo'sh vaqtga ega bo'ladi.

RPA yechimlari nafaqat ma'lumotlar bilan balki bir-biri bilan ham o'zaro aloqa qiladi. Biznes jarayonlarining to'laqonli ishtirokchilari sifatida ular huddi o'z hamkasblari kabi haqiqiy ishchilarga murojaat qilishadi: so'rovlarni bo'limlar bo'yicha taqsimlashadi, vazifalarni belgilashadi, jarayonlarni nazorat qilishadi, hisobotlarni tahlil qilishadi va rasmiylashtirishadi.

Zamonaviy RPA tizimlari nafaqat ma'lumotlarni faqatgina "jadvaldan jadvalga" uzatish, balki raqamli bo'lmagan kiruvchi ma'lumotlarni, jumladan zaif tarkibiy tuzilmali ma'lumotlarni qayta ishlashda ham qatnashishga qodir. Mashina ko'rishi, matnni tanib olish va inson tilidan aytilgan nutqni qayta ishlashning zamonaviy tizimlari yordamida RPA tizimlari biznesning nafaqat "mashina bo'linmasi"ga, balki mijozlar bilan o'zaro aloqa qilish bo'limlariga tobora ko'proq kirib bormoqda, natijada, muomala xarajatlari sezilarli darajada kamayapti. Bu tizimlarning yana bir avfzalligi shundan iboratki, mijozlarning xizmatlardan qoniqish darajasini oshirishga ko'maklashadi, chunki dasturiy robot xato qilmaydi, uxlamaydi, tushlikka chiqmaydi va kerakli amallarni deyarli bir zumda bajaradi.

Hisob-fakturalarni qayta ishlash, ish haqini hisoblash, tovar yetkazib beruvchilar narxlarini taqqoslash, mijozlarning ma'lumotlarini saralash va ajratib olish, daromadlarni shakllantirish va hattoki ishchilarni yollash - bularning barchasi RPA yordamida avtomatlashtirishga bevosita nomzodlardir.

Demak, RPA tizimlarini biznes jarayonlariga joriy qilinishi ko'pchilik xodimlarning mehnat unumdorligi sifat jihatidan o'shishiga ko'maklashadi. Bu o'z navbatida biznesning



bozorda raqobatbardoshligini oshirishga imkon beribgina qolmay hatto shtat birligini oshirmasdan ham faoliyat doirasini kengaytirishga zamin yaratadi.

Hozirgi paytda RPA tizimlarisiz "korxonani raqamlashtirish" haqida gapirmasa ham bo'ladi. Aynan kompaniyaning yangi ish tamoyillariga o'tishi hamda IT-infratuzilmani sifatli qayta qurish paytida, biznesni RPA tamoyillariga moslashtirish rivojlanishga sarmoya kiritish nuqtai nazaridan eng oqilona omil hisoblanadi. Botlarni keyinchalik xam kiritish mumkin, ammo bu ko'proq moliyaviy mablag' hamda tizim administratorlarining ortiqcha vaqti va kuchini talab qiladi.

Navbatdagi texnologiyalardan biri - bu ba'zi hollarda ishchilar ishtirokidan butunlay voz kechishga imkon beradigan biznes vazifalarni avtomatlashtirish foizining ortishidir. Bunda natijaga tezroq erishiladi, xatolarga kamroq yo'l qo'yiladi, biznes samaradorligi oshadi. Kelajak shunday tus oladi.

Schneider Electric kompaniyasi COVID-19 pandemiya sharoitida shaxsiy himoya vositalarini yetkazib berish bilan bog'liq buyurtmalarni qayta ishlash vaqtini to'rt soatdan ikki daqiqagacha qisqartirishga erishdi.

Buning uchun sozlash bir necha kunni talab qilgan bittagina dasturiy robot kerak bo'ldi xolos. Jarayonlarning sifatli tezlashishi bilan bir qatorda, xatolar xam yetarlicha kamaytirildi. Xatoliklar yuzaga kelganda esa ularni tezda aniqlash imkoni ham paydo bo'ldi. Bu RPA tizimini joriy qilish uzoq va murakkab jarayon bo'lishi shart emasligini yana bir bora tasdiqladi. Ushbu texnologiyaga tizimli o'tish xatto favqulodda holatda ham amalga oshirilishi va alohida ketma-ket bosqichlardan iborat bo'lishi mumkin.

Ko'rib turganingizdek, raqamlashtirishga tayyor bo'lgan har qanday biznesda RPAdan keng foydalanish uchun sabab yetarli. RPA tizimlarini yaratuvchilarni to'g'ri tanlay oladigan xar qanday kompaniyagi peravtomatlashtirish dunyosigakirishi mumkin.

Oksford universiteti olimlari 2035 yilga borib barcha mavjud ish o'rinlarining 20 foizi avtomatlashtirilishini bashorat qilishmoqda. Ma'lumotlar AQSh uchun berilgan, ammo bunday holat boshqa rivojlangan mamlakatlarda ham amalga oshirilishiga shubha yo'q. Biroq, ommaviy ishsizlik o'qimi to'g'risida tashvishlanishga hojat yo'q. Harvard Business Review vakillarining ishonchi komilki, yaqin kelajakda kompaniyalar o'rtasidagi raqobat asosida sun'iy intellektli robotlashtirilgan ishchi o'rinlar yotadi.

Foydalanilgan manbalar

1. Анхимюк В.Л., Опейко О.Ф., Михеев Н.Н. Теория автоматического управления. Минск: Дизайн ПРО, 2000.

2. <https://www.automationanywhere.com/rpa/hyperautomation>

3. <https://zen.yandex.ru/media/rusability/gi-peravtomatizaciia-kajdoi-zadache-porobotu-5f746ed4c859e64d8028e3f4>



온라인 학습 과정 조직하는 데 멀티미디어 자료의 역할

아브둘라예바 나시바 하킴바예브나

타슈켄트 국립 니자미 사범대학교

우즈베키스탄 공화국

초록

본문에서 최신 정보통신기술을 적용하여 온라인 한국어 수업 구성을 위한 응용 프로그램을 사용하여 멀티미디어 자료를 개발할 수 있는 가능성을 알아본다.

방법론적 문헌을 검토한 결과로 교육 과정에서 ICT를 적극적으로 도입하면 교육의 질과 교육 자료의 습득을 크게 향상시킬 수 있다. 이 글은 현대 응용 프로그램의 장점과 단점을 분석하여 이런 프로그램의 전망을 살피고 우리 시대의 요구 사항을 충족하는 효과적인 교육 자료를 준비하는 것이다.

키워드: 멀티미디어 교육, 학습 과정, ICT, 온라인 수업, 멀티미디어 학습 자료, 혁신적인 방법, 퀴즈 앱, 응용 프로그램.

Title: THE ROLE OF MULTIMEDIA RESOURCES IN ORGANIZING ONLINE LEARNING PROCESSES

Author: (Abdullaeva Nasiba Khakimboevna)

Abstract: This article examines the possibility of developing multimedia materials using modern information and communication technologies and applications for organizing online Korean language lessons.

A review of the methodological literature shows that with the active introduction of ICT in the educational process, it can significantly improve the quality of training and the assimilation of educational materials. The article provides an overview and analyzes the advantages and disadvantages of modern applications, with the help of which you can prepare vivid educational materials that meet the requirements of our time.

Keywords: Multimedia education, learning process, ICT, online classes, multimedia learning materials, innovative methods, quiz apps, applications.

서론

오늘날 외국어를 가르치는 과정에서 현재의 기술 발전 수준에 따라 수업 기술도 발전하고 있다. 외국어 교육 분야에서 정보기술을 사용하는 주제는 비교적 최근에 전문가에 대한 포괄적인 연구의 대상이 되었지만 학습 과정에서 이러한 IT 기술 적용 효율성은 더 이상 의심의 여지가 없다¹.

외국어 수업에서 ICT 구성 요소를 사용하는 것은 이전에 접근할 수 없었던 자료와 실제 텍스트가 제공되는 새로운 교육 환경을 구성할 수 있게 해 주는 한편 교육 과정의 모든 과목에서 유익한 상호 작용을 구축하는 데 도움이 되기 때문에 특히 중요하다.²

멀티미디어 교육에는 크게 두 가지 방법이 있다.

가. e-러닝 : 전자적인 학습 매체를 사용하여 이루어지는 학습이다. 컴퓨터의 웹 환경을 기반으로 시간과 공간의 제약 없이 지식과 정보에 접근하여 이루어지는 학습이며, 대표적인 수업으로 EBS 인터넷 수능 방송이나 사이버가 정학 습체제 등이 있다.

나. u-러닝 : 학습을 원하는 사람들이 어떤 장소, 어떤 시간이든 다양한 자원과 정보에 접근하여 항상 학습할 수 있도록 하는 것이며, 학습자는 오프라인 프로그램과 모바일 프로그램이 조합된 환경에서 적시 학습과 위치 기반 학습을 할 수 있다.³

¹Efremenko V.A. 외국어수업에정보기술적용 // 학교에서외국어. -2007.-8 번. -18-21쪽.

²Kazakova T.A. '대학교에서외국어학습과정정보-통신기술이용' // "이문화간의커뮤니케이션" – 2015 № 3(17)

³<https://blog.naver.com/tntbyj/220963838231>



이름	개요	장점	단점
КАНООТ!	실시간 퀴즈 앱	<ul style="list-style-type: none">• 사용이 간편함• 학생들 서로 경쟁할 수 있음• 능동적임• 리뷰나 과제 어느 정도 습득이 됐는지를 확인할 수 있음• 원격으로 실습을 할 수 있음	<ul style="list-style-type: none">• 수업에 리뷰 단계에서만 사용이 가능함• 인터넷 접속 및 원활한 네트워크를 요함• 실시간으로 이뤄지므로 학습자 모두 기기를 갖추어야 함
VYOND	동영상 만드는 앱	<ul style="list-style-type: none">• 프리젠테이션과 함께 애니메이션도 제작 가능• 직접 면대하는 주인공 등장• 아울러 주제 설명 가능• 14일동안 무료 사용 가능• 대화를 살릴 수 있어 실천성을 느낄 수 있음• 자료를 학습자가 스스로 배울 수 있음	<ul style="list-style-type: none">• 동영상 제작에 상당한 시간 소요• 인터넷 접속 요함• 14일 후 유료임
CANVA	이미지 템플릿 앱	<ul style="list-style-type: none">• 템플릿 디자인 다양성• 여러가지 자료 만드는 가능성• 무료 이용이 가능함	<ul style="list-style-type: none">• 자료 만드는 데 시간이 많이 소요됨• 인터넷 접속 요함



RELATIONSHIP OF EMOTIONAL INTELLIGENCE AND PERSONAL ANXIETY IN MALE AND FEMALE STUDENTS

Ismailov Akmal Rustamovich

Independent Postgraduate, Samarkand State Institute of Foreign Languages, Uzbekistan. An active member of Alberta Teachers of English as a Second Language (ATESL), Canada.
aismailov1@pride.hofstra.edu

Abstract. Personal anxiety is a personality trait, a stable individual characteristic that reflects the subject's predisposition to anxiety. It arises from the frustration of significant needs; develops as a result of exposure to frequently recurring situations of anxiety; develops as basal anxiety in the early stages of ontogenesis. Understanding the basics of anxiety and their occurrence in students help language educators reduce an anxiety level in them.

Keywords: Personality, emotional intelligence, foreign languages, anxiety, joy, anger, fear.

In adolescence, personal anxiety becomes an integral emotional characteristic of the personality, which is characterized by the polysemy of the factors of determination, the diversity and ambiguity of internal connections. Since an increased level of anxiety in communication indicates a child's insufficient adaptation to certain situations of interaction, it was assumed that a high level of personal anxiety is a sign of low emotional competence, and the development of emotional intelligence helps to reduce personal anxiety in adolescents.

To correct personal anxiety in adolescents, it is necessary to promote the development of emotional intelligence in general, and first of all, such a component of it as emotional self-regulation.

From the theory of emotional intelligence, emotions are data, just like any other. When we are not aware of them or try to control them without understanding the data they represent, they unconsciously affect the way we act - often with undesirable results.

To basic (fundamental) emotions K. Izard refers to those that have the following features:

- have distinct and specific neural substrates;
- manifest themselves with the help of an expressive and specific configuration of muscle movements of the face (facial expressions);
- involve a specific experience that is fulfilled by a person;
- emerged as a result of evolutionary biological processes;
- have organizing and motivating influence on a person.

Adolescence is an important stage in emotional development. The general orientation of young men and women for the future creates the psychological foundations for openness to a variety of experiences. Emotional sensitivity increases, the spectrum of emotional phenomena is enriched. Boys and girls develop more precise regulation of feelings, more perfect mastery of their expression.

Young men with a high level of intrapersonal emotional intelligence, in general, are less likely to experience negative emotions such as guilt, fear, and grief. The development of individual components of intrapersonal emotional intelligence contributes significantly to the emotional well-being of young men. Thus, an increase in awareness of one's emotions leads to a decrease in the frequency of experiences of guilt and fear; the development of expression control makes it possible to experience the emotions of guilt and anger less often; optimizing the management of one's emotions leads to a decrease



in the frequency of experiencing fear and grief.

In girls, with an increase in the awareness of their emotions, only the frequency of experiencing the emotion of joy increases. Joy is realized more fully and distinctly than other investigated emotions.

An interesting fact is that in girls with an increase in the level of understanding of other people's emotions through expression, a decrease in the frequency of experiencing the emotion of joy and an increase in the frequency of experiencing grief are associated. Perhaps the sensitivity to emotional experiences in girls contributes to the fact that empathy manifests itself in them primarily as grieving. This means that female students use their emotional abilities to share negative experiences with others and thereby reduce their intensity. The frequency of the experience of joy forms a strong negative correlation with the control of expression. The appropriate expression is a necessary element of the experience of joy, while the habit of restraining its manifestations impoverishes a person's emotional life, deprives it of its brightness and saturation.

With an increase in the level of individual components of emotional intelligence, the number of synonyms of fundamental emotions given by girls increases. So, non-verbal understanding of other people's emotions is associated with the variable "synonyms of joy", understanding other people's emotions through expression - with the variable "synonyms of anger". Control of emotions is also associated with the latter variable. This means that with the development of the components of interpersonal emotional intelligence (non-verbal understanding of other people's emotions, understanding other people's emotions through expression) and intrapersonal emotional intelligence (control of emotions), girls are enriching the synonymous vocabulary of emotions (in particular, joy and anger).

With the development of emotional intelligence, awareness of fundamental emotions increases and, therefore, awareness of behaviour. A high level of interpersonal emotional intelligence among students contributes to more effective recognition of manifestations of grief, joy, anger, fear; predicting the consequences of guilt-generating behaviour. High indices of intrapersonal emotional intelligence contribute to more effective identification and analysis of the causes of the occurrence of fundamental emotions and a decrease in the frequency of experiencing fear and guilt.

In young men, an increase in the level of intrapersonal emotional intelligence helps to reduce the frequency of experiencing negative emotions (grief, guilt, fear, anger). In girls, the frequency of experiencing the emotion of joy is due to the increased awareness of emotions. Increasing the level of understanding of other people's emotions in females helps to reduce the frequency of experiencing the emotion of joy and increase the frequency of experiencing grief. With an increase in the level of components of emotional intelligence (non-verbal understanding of other people's emotions, understanding other people's emotions through expression, control of emotions) among female students, the enrichment of the synonymous dictionary of emotions is associated.

References:

1. Орме, Г. Эмоциональное мышление как инструмент достижения успеха / Г. Орме. - М: "КСП+", 2003.
2. Психология человека от рождения до смерти / под ред. А.А. Реана. - СПб.: Прайм-Еврознак, 2002.
3. Carroll E. Izard, "The Psychology of Emotions," Springer Science & Business Media, 1991.



SUV O'TLARI VA ULARNING XUSUSIYATLARI

Xojimirzayeva Nodiraxon Abduxamidovna

51-maktab biologiya fani o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada suv o'tlari va ularning xususiyatlari haqida ilmiy qarashlar ilgari surilgan. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - Suv o'tlari, morfologik tuzilish, hujayra, tana, qism, sitoplazma, devor, yadro, vakuola, xromatofor, pigment.

Suv o'tlari morfologik jihatdan juda xilma-xil bo'lib, ular orasida mikroskopik bir hujayralilar bilan bir qatorda bir necha o'n metrga boradigan vakillari ham bor. Suv o'tlar tana holatida yashaydigan o'simliklar, ularda ildiz, poya, barg bo'lmaydi. Biroq ba'zi vakillarning tanasi - tallomi birmuncha murakkab tuzilgan bo'lib, tanasi ayrim qismlarga ajralgan. Suv o'tlarning hujayrasi tashqi tomondan qattiq devor bilan qoplangan. Hujayra sitoplazmasi devor atrofida joylashgan bo'lib hujayrani to'ldirib turadi. Hujayrada bitta yoki bir nechta mayda vakuolalar mavjud. Yadroning soni ham bir yoki bir nechta bo'lishi mumkin. Hujayradagi xromatoforlarda pigmentlar saqlanadi. Xromatoforning shakllari turli-tuman: plastinkali, spiral, lentasimon, to'rsimon, yulduzsimon.

Suv o'tlari chuchuk suvlarda, dengiz va okeanlarda, zah yerlarda yashaydi. Ularning ko'p miqdorni tashkil etuvchi mikroskopik to'dasi erkin suzib, fitoplankton hosil qiladi. Suvda yashaydigan 3 guruhga bo'linadi.

1.Suv ostida yashovchilar - BENTOS

2.Suv ichida yashovchilar - PLANKTON

3.Suv yuzida yashovchilar - POVERXNOSTNYY

Plaktonning chuqurligi 300 m gacha bo'lishi mumkin. Suv havzasining 300 metr dan chuqurroq joyida yashovchi suv o'tlari bentos deyiladi. Ayrim suv o'tlari juda past haroratda ham hayot kechirish qobiliyatini yo'qotmaydi. Xatto qutbda, tog' cho'qqilaridagi qorlarda ham yashaydi. Qor xlorofillidomonadasi qorni qizil, sariq, yashil, qo'ng'ir ranglarga bo'yashi mumkin. Xlorofillidomonadaning ayrim vakillari ham havoda yashay oladi.[1] Suv o'tlar hujayrasida yashil rang beruvchi xlorofil pigmenti bo'lganligi sababli ovqatlanish jihatidan avtotrof organizm hisoblanadi. Hayot kechirish uchun zarur bo'lgan. Oziq moddani o'zlariga o'zi tayyorlaydi, ya'ni hujayrasida fotosintez protsessi bo'ladi.

Ba'zi bir ko'k-yashil suv o'tlari tayyor organik modda xisobiga ham yashaydi, ya'ni ular saprofit xolatda yashaydi. Ko'k - yashil suv o'tlarining xromatoforida xlorofilldan tashqari ko'k rang beruvchi fikotsian pigment uchraydi. Yashil suv o'tlarida faqat yashil rang beruvchi xlorofil pigmenti uchraydi. Diatom suv o'tlarida xlorofilldan tashqari sariq rang beruvchi diatomin pigmenti bo'ladi. Qo'ng'ir rangli suv o'tlarining xromatoforida xlorofilldan tashqari qo'ng'ir rang beruvchi fukoksantin pigmenti uchraydi. Qizil suv o'tlarida xlorofilldan tashqari qizil rang beruvchi fikoeritrin pigmenti bo'ladi. Suv o'tlarining xujayrasida oziqli modda sifatida kraxmal, yog', oqsil xamda xayvonlarga xos bo'lgan kraxmal-glikogen uchraydi. Glikogen yod ta'sirida qo'ng'ir rangga bo'yaladi. Xozirgi kunda yer yuzida 75000 xil suv o'tlari bo'lib, bularning hammasi 5 tati p'gabolinadi: 1.Ko'k-yashil suv o'tlari (sine-zelennyye vodrosli), 2.Yashil suv o'tlari (Zelyonyye vodrosli), 3.Sariq suv o'tlari (Jyoltyye vodrosli), 4.Qo'ng'ir suv o'tlari (Burye vodrosli), 5.Qizil suv o'tlari (Krasnyye vodrosli)

Suv o'tlari 3 xil yo'lda ko'payadi: 1.Vegetativ ko'payish, 2.Jinssiz ko'payish, 3.Jinsli ko'payish

Vegetativ ko'payishda xujayra kariokinez yo'lda bo'linib ko'payadi.[2] Shuningdek xujayradazoosporalar xosil bo'ladi.Zoosporalarning xipchinlari bor.Xipchinlar yordamida



suvda harakatlanib yuradi. Xar bir xujayradan 4,8,16 dan 64 tagacha 300 spora yetilishi mumkin. Zoosporalar suvdabir necha sekyoki minut suzib yurgach to'xtaydi. Xi pchinlarni tashlab, o'sib rivojlanadi. Jinssiz ko'payish zoospora yoki spora yordamida bo'ladi. Mas: ko'k-yashil suv o'tlari, qizil suv o'tlarning jinssiz ko'payishi sporalar yordamida bo'ladi. Yashil suv o'tlarining jinssiz ko'payishi esa zoosporalar yordamida bo'ladi. Jinssiz ko'payishdagi zoospora va sporalar xujayralarning reduksion bo'linishi natijasida vujudga keladi.

Jinsiy ko'payishda 3 xil tipi bor. 1. Izogamiya, 2. Geterogamiya, 3. Oogamiya

Izogamiyati pdako'payishda 2 tamorfologik jixatdan o'xshash, fizologik jixatidan bir-biriga o'xshash bo'lmagan GAMETA lar qo'shilib ko'payadi. GAMETA-jinsli xujayradir. Geterogamiyati pdako'payishda morfologik vafiziologik jixatidan har xil bo'lgan gametalar qo'shilib ko'payadi. Bu gametalarning 1 tasi katta, sust harakatchan bo'lib, buni Makrogameta deyiladi. 2-xili kichik, tez harakatchan bo'lib, buni Mikrogameta deyiladi. Mikrogameta otalik gameta, makrogameta onalik gameta hisoblanadi. Oogamiya tipda ko'payishda otalik va onalik jinsiy organlari paydo bo'ladi. Otalik jinsiy organini Anteridiya, onalik jinsiy organini oogamiya deyiladi. Anteridiyada spermatozoidlar yetishadi. Oogamiyada esa tuxum xujayra rivojlanadi. Anteridiya spermatozoidlarni suvga ishlab chiqaradi. Oogamiya ham tuxum xujayralarini suvga ishlab chiqaradi. Spermatozoidlar suvdagi tuxum xujayralar bilan qo'shiladi. Otalangan tuxum xujayrani Oospora deyiladi. Suv o'tlarining ko'payishini Senkovskiy, Meyyer, Kursanov va boshqalar tekshirganlar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Jurayev I., Ziyodullayev H., Suv o'tlari. Farg'ona - 2009.
2. Umaraliyeva Z., Tursunxo'jayev O., Suv o'tlarining xususiyatlari. Urganch - 1997.



МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИДА ЮҚОРИ МАҲОРАТЛИ СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мўйдинов Ғолибжон Ғофурович
Ҳакимов Қосимжон Козимович

Андижон вилояти Избоскан тумани 22- умумтаълим мактаби жисмоний
тарбия ўқитувчилари,

Ашуров Долимбек Ёрқинбой ўғли
49-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси

Аннотация; Миллий кураш турларида малакали спортчиларни тайёрлашнинг асосий хусусиятлари, курашчиларнинг жисмоний, техник-тактик ва назарий тайёрлаш жараёни тўғрисида маълумотлар келтирилган

Калит сўзлар: Миллий кураш, белбоғли кураш, таъзим, кураш, ёнбош, ҳалол, дакки, жисмоний, техника, тактика

Hozirgi kunda ko'plab muammolarga faqatgina ochiq va oshkora fikr almashish yo'li bilan keng jamoatchilik suhbatlarini o'tkazish va fuqarolik kelishuviga erishish yo'li orqali yechim topish mumkin. Hayotiy muhim masalalarni to'g'ri va samarali muhokama qilishni, o'z nuqtai nazarini isbotlay olishni va unga ishontira olishni hamda unda qat'iy tura olishni va qarshi tomonning fikrlarini inkor eta olishni bilish, ya'ni, munozaraga kirisha olish mahoratiga ega bo'lish har bir o'qimishli insonda mavjud bo'lishi kerak bo'lgan sifatlaridan biridir. "Munozaraga kirisha olish mahorati" tushunchasi tarkibiga bahs mavzusini bilish, ommaviy bahs mohiyatini va uning turlarini tushunish, bahslashish madaniyatining asosiy talablariga amal qilish, ilgari surilgan holatni isbotlay olish va qarshi tomonning fikrlarini rad eta olish, munozara usullaridan foydalanish, qarshi tomonning dalillariga qarshi tura olish kabi sifatlarga ega bo'lish kiradi.

Bahs o'zi nima, uning mohiyati nimada va biz qanday bahs turlariga duch kelishimiz mumkin? Buning uchun "O'zbek tilining izohli lug'ati"ga [1, 198] murojaat qilamiz. Unda bahs so'zining barcha ma'nolari va ma'noviy farqlari keltirilgan: Bahs(arabcha so'zdan kelib chiqqan muhokama, tadqiqot, mubohaza)

Biror narsa, holat yoki masalani yoqlash maqsadida o'tadigan munozara, tortishuv. Ilmiy yoki diniy adabiyotda biror masala, muammoga bag'ishlangan qism, bo'lim.

Musobaqa, bellashuv. E'tibor bering: bahs so'zining o'zi umuman olganda, qarama-qarshiliklar, yagona fikrning yo'qligi, qarshilik ko'rsatish degan ma'nolarni anglatyapti. Zamonaviy ilmiy-metodik adabiyotlarda bahs so'zi qarama-qarshi fikrlarni almashish uchun xizmat qiladi. Biroq ushbu tushunchaning yagona ta'rifi yo'q. Bizningcha, bahs so'zi ostida har qanday fikrlar to'qnashuvi, qandaydir masala bo'yicha qarashlarning xilma-xilligi, har bir tomon o'zining haqligini isbotlashda kelib chiqadigan kurash tushuniladi. O'zbek tilida mazkur hodisani anglatish uchun boshqa so'zlardan ham foydalaniladi masalan, muzokara, munozara, tortishuv, mubohasa, debat va shu kabilar. Ko'pincha ular bahs so'zining sinonimlari sifatida ishlatiladi. Buni o'zbek tilining izohli lug'atidan va sinonimlar lug'atidan ko'rish mumkin. Ilmiy tadqiqotlarda publitsistik va badiiy asarlarda bu so'zlar ko'pincha bahsning alohida turlari nomlanishi bo'lib ham xizmat qiladi. Masalan, munozara (arabcha so'zdan olingan bo'lib tortishuv bahs; nazorat manolarini anglatadi) deb bahsli masalaning to'g'ri yechimini topish uchun turli xil fikrlarni solishtirish, turli xil qarashlar orasidan to'g'risini izlash va topishga qaratilgan ommaviy bahsga aytiladi. Munozara ishontirishning eng samarali usullaridan biri hisoblanadi, chunki uning ishtirokchilari muayyan xulosaga o'zlari kelishadi. Mubohasa so'zi ham arab tilidan olingan bo'lib, munozara, muhokama, bahs, muzokara manolarini anglatadi. Hozirgi kunda bu so'zdan juda kam foydalaniladi. Tortishuv so'zi esa biroz boshqacharoq xarakterga ega, tortishuv bu shunchaki bahs emas, balki ikki tomonning o'zaro ziddiyatga kelishi, qarama-qarshi bo'lishi va o'zaro ikki tomonning, g'oyalarning yoki gaplarning bir-biriga



qarshi bo'lishidir. Umuman olganda tortishuv deb muayyan masala bo'yicha qarama-qarshi fikrlarning kurashi bir tomonning o'z qarashlarini himoya qilish, unda qat'iy turish va qarshi tomonning fikrlarini inkor etish maqsadida bahsga kirishishidir. Tortishuv muayyan ma'noda munozara va mubohasada o'zing maqsadli yo'nalishi bo'yicha farqlanadi. Munozara va mubohasa ishtirokchilari qarama-qarshi fikrlarni o'rta qo'yish bilan yagona fikrga kelish uchun harakat qilishadi, umumiy yechim topishga va haqiqatni qaror toptirishga urinishadi. Tortishuvning maqsadi esa boshqacha: qarshi tomon ustidan g'alaba qozonish, o'z qarashida qat'iy turish va uni tasdig'ini topdirish, biroq shunga ham e'tibor berish kerakki, asl tortishuvlar shunchaki g'alaba qozonishlar uchun olib borilmaydi. O'zlarining yondashuvlariga tayangan holda polemistlar ya'ni ushbu tortishuvga kirishgan qarama-qarshi tomonlar ijtimoiy muhim masalalarni hal qilishadi, ularning chiqishlari jamiyatning samarali rivojlanishiga xalaqit berayotgan barcha narsaga qarshi yo'naltirilgan bo'ladi.

Debat so'zi esa fransuzchadan olingan bo'lib, bahs, muzokara degan ma'noni anglatadi. Muzokara deyilganda, qandaydir masalani muhokama qilish, qandaydir masala bo'yicha ommaviy bahsga kirishish tushuniladi. Debatning o'zi esa qandaydir masalalar bo'yicha fikr almashish, muhokama qilish tushuniladi. Debat, muzokara so'zlaridan odatda ma'ruzalarni, xabarlarini, yig'ilishlardagi chiqishlarini muhokama qilishda, majlislar, konferensiyalar va shu kabilarda masalalarni muhokama qilishda yuzaga keladigan bahslarni nomlashda foydalaniladi.

Bahslarning har xil turlari mavjud. Ilmiy va metodik adabiyotlarda ularni tizimlashtirishga urinishadi. Asos sifatida turli xil belgilar olinadi, biroq hozirgi kungacha bahslarning yakuniy tasnifi yaratilmagan. Bahsning xarakteriga va uning xususiyatlariga ta'sir etuvchi asosiy faktorlarga quyidalar kiradi: bahsning maqsadi, ishtirokchilarning soni, bahsni o'tkazish shakli. Mazkur omillardan kelib chiqib bahsning qanday turlarini ajratish mumkinligini tahlil qilamiz.

Ma'lumki, odamlar bahsga kirishayotib birgina maqsadni ko'zlashmaydi, ularga turli xil omillar ta'sir ko'rsatadi. Maqsadi bo'yicha bahslar quyidagi turlarga bo'linadi: haqiqat uchun bahs, kimnidir ishontirish uchun bahs, g'alaba qozonish uchun bahs, bahs uchun bahs.

Bahs haqiqatni izlash uchun, qandaydir fikrlar, g'oyalarni tekshirib ko'rish uchun, ularni asoslash uchun vosita bo'lib xizmat qiladi. To'g'ri yechimni topish uchun polemistlar muayyan muammoga nisbatan turli qarashlarni o'zaro taqqoslashadi. Ular qandaydir fikrni shu fikrga nisbatan qanday e'tirozlar bo'lishi mumkinligini bilish maqsadida turli qarshi fikrlardan himoya qilishadi yoki aksincha, qarshi tomonning fikrlariga qarshi chiqib, uning foydasiga qanday dalil-isbotlar mavjudligini aniqlashadi. Bunday bahsda dalil va isbotlar sinchiklab tanlab olinadi va tahlil qilinadi. Qarama-qarshi tomonlarning fikrlari va g'oyalari qiyosiy baholanadi, ya'ni mohiyatan haqiqat birgalikda izlanadi. Albatta, bunday bahs mazkur muammoni biladigan, uning yechimiga qiziqqan insonlar o'rtasida bo'lishi mumkin. Rus faylasufi, mantiqshunos XX asr boshlarida bahs nazariyasini ishlab chiqqan professor Sergey Povarnin: "Haqiqat uchun bahsning shubhasiz foydaliligidan tashqari u o'ziga xos go'zallikka ega bo'lib, u bahs ishtirokchilariga haqiqiy zavq va mamnuniyat bag'ishlaydi. Shuningdek, u haqiqatdan "Aql ozuqasi" bo'lib xizmat qiladi. Bunday aqliy kurash natijasida inson o'zini ko'tarinki ruhda va yanada yaxshiroq his qiladi. Va hatto agar orqaga chekinish, yon berish, o'zi himoya qilayotgan fikrdan voz kechishga to'g'ri kelsa ham, lekin yengilish natijasidagi yoqimsiz hissiyot orqa planga o'tadi" [2].

Bahs haqiqatni izlash uchun emas, balki qarshi tomonni ishontirish uchun ham olib borilishi mumkin. Bunda ikkita muhim holat ajratiladi. Bahslashuvchi qarshi tomonni o'zi qat'iy ishongan narsasiga ishontiradi. Ikkinchisi esa, bazan u qarshi tomonni o'zining xizmat vazifasi yoki qandaydir bir holat yuzasidan ishontirishga to'g'ri keladi. Lekin o'zi



uning haqiqatligiga mutlaqo ishonmaydi yoki qarshi tomon aytayotgan fikrning yolg'onligiga ishonmaydi. Bunda bahsning maqsadi o'rganish yoki ishontirish emas, balki g'alaba bo'ladi. Bunda polemistlar g'alabaga turli motivlar yordamida erishadilar. Ularning bazilari o'z nuqtai nazarida qat'iy turishadi. Jamoat manfaatlarini himoya qilishadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbek tilining izohli lug'ati: 5 jildli (A. Madvaliyev umumiy tahriri ostida). - O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2006, 1-jild, 198-bet.
2. Поварнин С.И. Спор. О теории и практики спора. - М, 1996, с. 27.
3. Аверинцев С. Старый спор и новые спорщики. // Наука и жизнь, 1989, №9.
4. Jumaniyozov R. Nutqiy mahorat (Notiq, nutq, mantiq). - T.: Adolat, 2005.
5. Nurmuhammedova O'. Nutq san'ati. - T., O'zDSI, 2008.



КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДА ХўЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

Саодат Исломовна Ҳамроева

Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Фируза Иноятовна Ширинова

Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ёш авлодни комил инсон руҳида тарбиялашда Шарқнинг буюк зотларидан бўлган ватандошимиз Хўжа Ҳасан Андоқийнинг маънавий камолоти, унинг илмга, тариқатга бўлган муҳаббати ва садоқати ҳақида фикр ва мулоҳазалар манбаларга ва адабиётларга таянган ҳолда ёритилган.

Таянч иборалар: Шайх, тариқат, маънавий мерос, Хожাগон, Нақшбандия, халифа, "Ансоб", фозил, зоҳид.

Шарқнинг буюк шайхларидан ҳисобланган Шайх Абу Юсуф Ёқуб бин Айюб Ҳамадонийнинг халифаларидан ҳамда ул зотнинг халифалари орасида Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Гиждувоний, Абдулла Баррақийлар каби алоҳида ўринга эга бўлганлардан бири - Хўжа Ҳасан Андоқийдир. Ул зотнинг тўлиқ исмлари Абу Муҳаммад ал - Ҳасан ибн ал - Ҳусайн ибн Абул Ҳасан ал-Андоқий.

Хўжа Ҳасан Андоқий муборак Навоий вилоятининг Қизилтепа ҳудудида (ҳижрий 464 - 552, милодий 1071 - 1159 йиллар, баъзи манбаларда эса ҳижрий 460 - 552, милодий 1070 - 1158 йиллар) туғилиб, яшаб ўтганлар ва бугунги кунда ул зотнинг қабрлари ҳам шу ердадир. Ҳазрати Хўжа Ҳасан Андоқийнинг ҳаёти, фаолияти, маънавий мерослари ҳақидаги қимматли маълумотларни Фаҳриддин Али ибн хусайн ал - Воиз Кошифий Сафийнинг "Рашаҳот ул - айнул ҳаёт", Тоҳир Эшоннинг "Тазкираи Нақшбандия", Муҳаммад Дорошуқунинг "Сафинат ул - авлиё", Носириддин ал - Бухорийнинг "Тухфат уз - зоирин", Мавлавий Фулом Сарварнинг "Ҳазинат ул - асфиё", Абдулкарим ас - Самъонийнинг "Ал - Ансоб" (Насабнома), Насафийнинг "Хожа Аҳмад Яссавий" каби тарихий манбаларидан, бухоролик олим Садриддин Салим Бухорийнинг "Икки юз етмиш етти пир", Иброҳим Ҳаққулнинг "Аҳмад Яссавий", Маҳмуд Ҳасаний ва Мавжуда Раззоқоваларнинг "Хожাগон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий" номли рисоласида, навоийлик тарихчи олимлар С. Иноятов ва О. Ҳайитоваларнинг "Кармана тарих кўзгусида" каби тарихий асарларидан олиш мумкин. Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн Андоқий Бухоронинг тасаввуф маданиятининг йирик вакили сифатида ўз замонасининг етук билимдони бўлиб, устозлари Юсуф Ҳамадонийдан сабоқ олганлар. Бу ҳақда Тоҳир Эшон ўзининг "Тазкираи Нақшбандия" асарида Хожাগонлар тариқатининг буюк намояндаси Хожа Ҳасан Андоқий Юсуф Ҳамадонийнинг иккинчи халифаси бўлганлиги ҳақида айтиб ўтади ва шундай байтни келтиради:

Боз аз Юсуфам ба Андоқий,

Нисбат омад зи соқийи боқий.

Мазмуни:

Боқий сифатли Юсуф (Ҳамадоний) дан,

Андоқийга авлиёлик нисбати келди [1].

Абдулкарим ас - Самъонийнинг "Ал - Ансоб" (Насабнома) китобида келтирилишича, "Абул Музаффар Аб-дулкарим ибн Абу Ҳанифа ибн Аббос ал-Андоқий ўз замонасининг фозил, зоҳид кишиси бўлиб, мутавозеъ ахлоқи ҳамида билан ном чиқарганлар. Шамсул Аиммаи Ҳалвойидан таълим олганлар. 400 (1010)



ҳижрий йилда туғилиб, 481 (1089) ҳижрий йилнинг шабон ойида вафот этганлар. Бу кишининг невараларидан Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн ал-Андоқий, ўз даврининг тариқат илми машойихларидан эдилар ва муридларини тарбиялаш билан умрларини ўтказдилар. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ва одобларига амал қилганлар. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг сеvimли шогирдларидан бири. Хожа Юсуф Ҳамадоний билан бирга Хоразм, сўнг Бағдодга бирга борганлар. Муаллифнинг айтишларича, биринчи марта Бухорода ул зотни кўрганлар. Хожа Юсуф Ҳамадонийдан жуда кўп ривоятларни ёзиб олдим, деб таъкидлаганлар. 460 (1071) ҳижрий йилда туғилиб, 552 (1158) ҳижрий йилнинг 26-рамазонида лайлатул кадр кечасида вафот этганлар"[2].

Ушбу асарда яна шундай бой маълумотлар келтирилганлигини "Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий" номли рисолада келтирилган фикрлар ҳам тасдиқдайди. Рисолада айтилишича, "Самъоний ўзининг "Ансоб" китобида Андоқий ҳақидаги қуйидаги маълумотни келтиради: "Мен аввал Марвда, Юсуф Ҳамадоний қуддиси сирруҳунинг хонақоҳларида эдим. Улар билан суҳбатлашдим (яъни Андоқий билан), лекин уларни (Андоқийни) танимадим. Ўша вақтда Бухорога бордим, улар билан учрашиб, суҳбатида бўлдим, қайтиш тараддудини килиб юрган эдим.

"Ансоб" муаллифи давом этади: "У зоти муборак (яъни Андоқий) мени бағоят икром билан кутиб олдилар. Улардан табаррук сифатида бироз ҳадис ўргандим. Улар ҳадисни устозимиз ва шайхимиз Ҳамадонийдан ўрганган эдилар"[3]. XIV асрда яшаб ижод этган Фахриддин Али ибн Ҳусайн ал - Воиз Кошифий Сафийнинг "Рашаҳот ул - айнул ҳаёт" китобида Андоқий тўғрисида "... Андоқий узоқ, ибодат қилувчи бўлиб, пайгамбаримиз суннатига эргашар эдилар, пайгамбаримизнинг маънавий ишоратларини ва Юсуф Ҳамадоний суҳбатларини муқаддас билиб бир неча йил у кишининг муридлари ҳам эдилар. Бир неча йил Бухородаги муқаддас хонақоҳда хизматда бўлганлар"[4], - деб ёзган.

Ёшлигидан илм олишга қизиққан Андоқий тариқатга шунчалик берилдики, ҳатто ўз оиласининг кундалик ташвишларини ҳам унутиб қўяди. Бу ҳақда Маҳмуд Ҳасаний ва Мавжуда Раззоқоваларнинг "Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий" номли рисоласида шундай ҳикоят келтирилади: Хожа Юсуф Ҳамадоний Андоқийни ҳузурига чақириб, насиҳат килади: "Сен дарвишсан, лекин оиланг ҳам бор. Риёзатга ҳаддан зиёд берилиб, ўз оиласини унутиб, уларни ночор аҳволга солиб қўйиш, бу ақлли одамнинг иши эмас. Бу ишинг ақлга ҳам, шариятга ҳам тўғри келмайди", - дейди. Шунда Андоқий ўз устозига шундай жавоб беради: "Менинг ҳолим фақат риёзатга ва тоат-ибодатга етади, бошқасига етмайди". Бу жавобдан Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг жаҳли чиқади ва Андоқийни урушиб беради. Ўша оқшом Хожа Ҳақ таъолони тушида кўради. Ҳақ таъолодан Юсуф Ҳамадонийга шундай хитоб келади: "Ё Юсуфу, инна аътайнокал басората ва аътайнал - Ҳасана басората валбасийра", яъни "Эй Юсуф, мен сенга фақат ақл бердим, Ҳасанга буюк ақл ва кўнгилни бердим" [5]. Бу воқеадан сўнг Ҳамадоний Андоқийни ниҳоятда азиз билиб, унга ҳурмат, эҳтиром кўрсатиб, фақат дунёвий ишлар хақидагина мурожаат килади.

Хуллас, Зарафшон воҳасида яшаб, ўз ҳаёт ва фаолиятини комил инсон тарбияси учун муҳим аҳамият касб этадиган Хожагонлар тариқатини ривожлантирган, унинг кўзга кўринган намояндаларидан Хожа Ҳасан Андоқий илмий ва маънавий меросининг асосида инсон ва унинг комиллик даражасига етиши гоёси ётади. Буюк зот Хўжа Ҳасан Андоқий қайси манзилда туғлишидан ва унинг қабри қаерда бўлишидан қатъий назар бобокалонимизнинг қолдирган бой маънавий мероси инсон камолотида муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда Хўжа Ҳасан Андоқий



илмий ва маънавий меросининг ўрганилиб, тадқиқ этилиши ёш авлоднинг комиллик тарбиясида асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М. Ҳасаний, М. Раззоқова. "Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий". Тошкент., 2003. 25-бет.
2. Абдулкарим ас - Самъоний. "Ал - Ансоб" (Насабнома). Бухоро. 1999. 5-бет.
3. М. Ҳасаний, М. Раззоқова. "Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий". Тошкент., 2003. 23-бет.
4. Бухоро ҳақиқати" газетаси, 1993 йил, 29 июн.
5. М. Ҳасаний, М. Раззоқова. "Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий". Тошкент., 2003. 21-22-бетлар.



ЭЖИНИЯЗ ҚОСЫБАЙ УЛЫНЫҢ ШЫҒАРМАЛАРЫНДА СОЦИАЛЛЫҚ ТЕҢСИЗЛИКТИҢ СҮҮРЕТЛЕНИҮИ, ПАТРИОТИЗМ ХӘМ ГУМАНИЗМ ИДЕЯЛАРЫ

Сейтова Зухрагон Пиржановна

Ажинияз атындагы
НМПИ Тарих факультети
Доцент

Аннотация: Автор оз макаласында уллы Каракалпак шайыры Эжинияз Қосыбай улы өмирдің мақсети қәдирлилик, қәдирли болыу, қәдирин билиу деген. Әдеплилик түсиниклериндеги жақсы-жаман, ар-намыс, парыз-миннет, хуждан-ийман, адалат, дослық сыяқлы х.т.б. сытатламалар адамлардың қәдир қымбатын белгилейди, деп корсетеды.

Гильт сөзлер: Эжинияз Қосыбай улы, «Бул дуньянын көрки адам баласы», ел қәдири, журт қәдири, Ұатан қәдири.

Эжинияз Қосыбай улы 1824-жылы Мойнақ районынын, «Қамыс бөгет» деген жеринде тууылады. Ата-бабалары балықшылық, аншылық хәм егин егип күн көретуғын дийхан адамлар болған. Эжинияз жаслайынан ақ оқыуға берилген, зийрек бала болып өседи. Бирақ оның жаслайынан анасынан айрылып қалыуы, көп ғана қыйын жағдайларды бастан кешериуине себепши болады. Ол дәслеп Хожамурат ийшан медресесинде тәлим алады.

Адамнын уллы қәдири, адамзаттын қәдирлиги мәселеси барлық алдағы жәмийетлик философиялық ойлардын, тийкарғы жөнелислериниң бири. Өйткени ол хәр бир философиялық ойдың, дилуарлықтың, даналықтың негизи ретинде дәлилленген. Адамды сүйиу, адамды қорғау инсан мәпин, татыулық, дослық, паракатшылық сыяқлы түсиниклер қәдирден, қәстерден хәм хұрметтен шыққан. Себеби Эжинияз Қосыбай улы айтқанындай «Бул дуньянын көрки адам баласы», барлық жаратылғанлардың ең гөззәлы, қудайдын такаббили, абаданлық доретиушиси, дослық жыршысы, мийирбанлық уйтқысы, дуньяның хәмиршиси хәм сақлаушысы — адамның қәдирин билиу, ол қәдирди нәсийхатлау хәмме бахалылықлардан да абзал хәм қайырлы¹.

«Адам улы адам қәдирин билмесе, оннан дүзде отлап жүрген мал жақсы» деген Эжинияз, сол қәдир атлы түсиникти жоқары хұрметлеп, оны философиялық туйғы дәрежесине жеткерип, адамзаттың ең жоқарғы пәзийлети ретинде тәрийплеп, елдің әдеп-икрамлығының қәлиплесиуине хәм инсанның жәмийет шақырығына мууапық Өмирдің мақсети неден ибарат? Пәний дуньяның тек материаллық қәжетлерин қандырыуда ма? Ямаса инсан ретинде адамның қәдир қымбатын анлап, қәдирданлықта жасап, қәдириятларды түсинип, дүзиушиликте, дәретуишиликте, мийрим-шәпәтликте көринип озиниң жақсы атын қалдырып, өшпес из, мәңги естелик дүзиуге умтылыушылықта ма? Деген мәселелер адамның қәдири менен байланыслы болып кимниң қәдири қалай деген сорауға жууап бериу менен бирге, басқалардың да хәм ел журттың да қәдирин билиу түсинигине де тиккелей тийисли. Усыған байланыслы «қәдир билместиң қәдири жоқ» деген нақыл жүдә дурыс айтылған. Соның ушында Эжинияз:

«Зийуарың хошласар қәдиринди билип,
Көзини яшартып, бағрыны тилип», —

деп елдің қәдирин жоқары бахалайды.

Шынында да өмирдің мақсети қәдирлилик, қәдирли болыу, қәдирин билиу. Бунда ең дәслеп ел қәдири, журт қәдири, Ұатан қәдири хәм олардың қәдирин билиу адам қәдирлигиниң тийкары. Сонлықтан Эжинияз:

Жер хәм ел билендур, ел хәм жер билан,
Қәдирин сениң бизгә өтти Бозатау»,
—деп жырласа елиниң қәдирин жоқары бахалап,
—«Искендер Зулқарнайы киби дәуранлы,
—Хәзрети Сулайман киби пәрманлы,
—Данышманд нуктадан шийрин зибанлы,

³ Ж. Базарбаев «Миллий идея- бизиң идеямыз» Н.2003 .164-1716



—Маршуду муқаммал пирлари барды»
—деп өз елиниң қәдир қымбатын асырса, елсиз, Ўатансыз адам:
«Ашық ярсыз, бүлбил гүлсиз,
Кийик шалсиз, сона кәлсиз,
Зийуар айтар журтсыз-елсиз,
Адам бирдийўана мегзер»,—

деп адамның тәғдириңде Ўатан қәдириятының жүдә жоқары екенлигин хәттеки гүлсиз бүлбилге, шөлсиз кийикке усайтуғын жагдайлар менен тенлестиреди.

Инсан қәдириң билиў көрегенлик, ақыллылық бул әлбетте тәжирийбелер тийкарында, өмирдин, ашшы-душшысын татыў нәтийжесинде болады. «Несийбем көп шашып гайры еллерге, шөплеп болдым десем тамам болмады» деген Әжинияз:

«Қәдириң билмес туўған елдин.,
Қәдириң билмес нағыз ердин,
Басына ис түспегенше»,—

деп келтирип қәдириң қымбатын «қәдириң билмес астың нанның, бес күн зарын шекпегенше» деп нәсихатлап, өмир, хызмет, ўақыялар арқалы қәдирилиқ түсиниги сана-сезимнен, ақыл-ойдан орын алатуғынлығын көрсете келе, қәдири өмирде адамның аңлы жасаўы, өзиндеги хәм басқалардағы салахиятты, ийманлылықты түсиниўи екенлигин көрсетип:

«Қәдириң билер бир қәдириң излесе,
Қәдириң билмес жая мехман болурма»,—

деп өз қәдириң аңлаўдың абзаллығын көрсете келе Ўатан туйғысын елдиң дәстүриниң, психикалық өзгешелигинен шыққан менталитетине байланыслы:

«Хәр ким өз елинде тени тусында
Жигит қәдири болмас елден айрылса»,—

деген даналы жуўмақ шығарады.

Қәдири кисилердиң өз-ара мүнәсибегине байланыслы әдеп норма қағыйдаларын дурыс ушлаўдан қуралады. Әдеплиқ түсиниклериндеги жақсы-жаман, ар-намыс, парыз-миннет, хуждан-ийман, әдалат, дослық сыяқлы ҳ.т.б. сыпатламалар адамлардың қәдири қымбатын белгилейди.

Әсиресе ар-намысты, ийман-инсапты, дослық мийирбанлықты ушлап турыў шахстың социаллық бахасын көтереди, қәдири қымбатын көбейтип барады.

Әжинияздың идеяларында хәр бир адам инсан дәрежесине көтерилиўи оның қәдириң көтерилиўин көрсетеди.

«Сөйлегенде сөздиң парқын билмесе,
Адам деген менен инсан болурма»,—

деп адамның инсаныйлығы биринши ретте оның руўхый хәм әдеплиқ тәрептен баркамаллығы, пәклиги, мазмунлығы екенлигин көрсетеди.

Әжинияздың пикиринше адамды қәдириңлендиретуғын нәрсе менменлик. Ол қәдири-қымбатты умыттырады хәм касапатқа алып келеди:

«Қасқалдаққа бир ағары май питсе,
Ғарқылдасып қонар көлин танымас,
Патшаның дәўлети қайтайын десе,
Көзине май питип елин танымас»,—

деп қәдириңлениўдиң келип шығыў жолын көрсетеди. Адамның қәдири оның қайырхомлылығында, қайырхомлық адам қәдириң асырады. Сонлықтан Әжинияз «Жылаған мүтәжды қуўантқан жақсы» деп нәсиятлайды.

Шынында да адам оз тәбиятында қайырлылық ислеўге жаратылған, ол хәр бир инсанлық ўазыйпасы. Соның ушын бизиң хұрметли президентимиз И. А. Каримов: «Саўаплы исти хәр ким, хәр күн ислеўи керек» деп адамларды жақсы пәзийлетлерге талпындырады. Бул ис ўазыйпалы ис, адамның әдети, өзлик қәсийети. Егер адам ислеген исин миннет етсе, онда ол қәдириңликке сазаўар болады. Сонлықтан Әжинияз «Жаманның иси миннетдур», — деп тастыйықлайды хәм саған «мынаны иследим», «ананы қылдым», «мениң хәмме ўақыт аяғыма жығылмадың— деп бир ўақытлардағы әйтеўир-ақ бир исин миннет етип көзине түрткен адамлардың ислерин:

«Миннетли пал ашшы болар зәхәрден,



Кулип ойнап берген зағара жақсы»,—

деп баҳалайди. Ҳажинияз қадир мäsелесинде адамларды «жақсы», «жаман» деген баҳалар менен белгилейди. Шынында да бир өмир жасап, қадир не, қымбат не екенин билмей, өмир мазмунын аңламай, алдағы мақсетлер ушын гүреспей, онда қадирданлық жасамай ямаса қадирданлылықтың әҳмиетин түсинбей өтип атырғанлар аз ба?. Булар ҳаққында Ҳажинияз:

«Жаман ҳәм жақсың сорасан, парқын,
Аспан жер арасы оннан көп жақын»,—

деген үлкен парқты көрсетип, жаман ҳеш нәрсениң қадирин билмейди: «Жаманды өлимнен кутқарсанда саған миннетдар болмас»— деп тужырымлал:

«Яхшыны пәҳим әйле сөйлеген сөзден»..
. «Яхшының бир сөзи мәнәуйят тажы,
Жаманның ҳәр сөзи зәхәрден ашшы»... ямаса
«Ақыллы яхшынын гийнеси болмас,
Яман адам гийне тутса умытпас,
Атқа минген менен кәтқуда болмас,
Журттан асқан ақыл-хушы болмаса»—

деп адам қадиринин критериясынын рухыйлықта екенлигин ашып береді.

Әсиресе Ҳажинияз адам қадирин расғөйликте деп үйретеді.

«Өтирикти рас етип айтпаған,
«Бас кесседе туўры жолдан қайтпаған»,—

деп принципиал өз ойы пикирли адамларды қадирлесе: «Өтирикшинин болмас анты, ийманы»,— деп өтирикшини жүдә пәскешлик ретинде сыпатлайды.

Шынында да қадирли адам расғөй, бир сөзли, басқалардың гәпине ермейтуғун адам. Өзинин гәрәзсиз пикири болған адам басқаға жалтақламайды, ығбаларға ермейди, еки жүзлилиқ етпейди.

Сонын ушын бизиң Прзидентимиздиң тийкарғы талабы бизлерден ҳәм бизиң жасларымыздан гәрәзсиз ойлаў, туўры жолды гәрәзсизлик жолын тусинип, оннан бас кесседе қайытпаў. Бул руўхыйлықтын бас мäsелеси ҳәм елдин қадирин билиудин, адамың қадирин билиудин тийкары.

Ертедеги белгили қытай философы Лао-Цзыдун: «Сен бақалар менен теңиз ҳаққында сөйлеспе, ол тек өзи жасаған қудықты ғана биледи, сен ширкейлер менен жыл мәўсимлери ҳаққында сөйлеспе, ол тек бир мәўсимди ғана биледи, сен шекленген адам менен пүгкил дүнья ҳаққында сөйлеспе, ол тек аўылын ғана биледи», деген даналық гәпине дәлил ретинде Ҳажинияз:

Қаразбан қолында болса алғырпаз,
Қанатың қайыра қадирин не билсин,
Бир шопан қолында болса бир алмаз,
Шақмақ тасы етер қадирин не билсин»,—

деп ис жүзинде ҳәр нәрсениң өз қадирин тусиниудин әҳмиетин корсетеді.

Ҳажинияз Қосыбай улында дослық бул қадирданлықтың шоққысы. Ол дослар менен сәўбетлесий, қайғы ҳәм шадлықларын оларға айтып берий ҳәр бир адамның ыхтыяжы деп есаплайды. Шынында да адамға еқ керекли нәрсе жаңасыў, сөйлесий, өз сырларын достыңа айта отыра кеўлин жубатыў, шерин тарқатыў, ишин босатыў, дәртиңе дәрман табыў. «Достыннан тап» деген сөзде усыған байланыслы. Достық тек тыңлаўшы емес, жәрдем берийши, өзине исенилген сырларды сақлаўшы. Соның ушын Ҳажинияз дос болсақ сыр жасырма «Дос болып достыңнан гәпни гизнеген» жақсы ис емес, «Досқа қылап қылып ялған сөйлеген» оданда аўырырақ нәкаслық екенлигин корсетеді. Ол өзиниң «Молла Еримә» деген шығармасында дослықтың, қадирданлықтың әҳмиетин корсетип, оның мубәрәк жүзин көрип хошласып кете алмағанлығына қыйналып, достық қадирин жоқары баҳалайды.

Ҳажинияздық көрсетиуйинше наданлар менен досласқан адам ҳеш ўақыт тыныш жасай алмайды. Себеби ондай кисилердиң пайдасынан гөре зәлели көбирек болады. Олардың саған деген нийетлери жақсы болғаны менен, жақсылық қыламан деп жаманлық қылып қояды. Ақыллы адамның душпанлығы, надан адамның дослығынан зәрерли болмайды.

Ақыллы душпан зәрер еткенінде де шектен шығып кетпейди, зәрердың шегарасын биледи. Соның ушын ата-бабалардың нәсиятында: «Ақыллы душпаннан қорықпа, ақмақ достан қорық», «Достың өзиңнен пәтлирек болсын» деп үйретеді.
«Яқшы досқа бергил наньу-шөрегин,



Қайтармас сөзинди болса керегин
Базы накасларға берсең керегин,
Күнинде бир пулша миннети болмас»,—

дейди Өжинияз. Ҳақыйқат дослар ис түскенде жәрдемши, қайғылы дәмлерде жубатыўшы, жалғыз қалса. қоллаўшы. Шынындада жаман әдепсиз адамлар менен досласыў үлкен теңизде кишкене кеме менен сапар шеккенге уқсайды. Бунда адам қатты толқынларға хэм ағымларға дус келеди. Жаны бир қысым болып қорқыўдан, қайғыдан абыржыйды. Өзин усы тақылетте сезген Өжинияз:

«Шүкир ҳақтын дәрғахына,
Тениз көринди, көринди,
Қасымдағы еки уғры,
Доңыз көринди, көринди»,—

деп, әдепсиз адамлардың ең төмен теңеў доңыздай болып көрингенлигин тәрийплейди.

Дос бул тек жақсылыққа шақырыўшы, зәрерли ислерден тоқтатыўшы болады. Дослар қатты сөйлеседе олардың сөзлери пайдалы. Ҳақыйқый дослардың сөзи дәриге уқсайды. Кесел адам ашшы дәрини ишиўди әлбетте жақтырмайды, лекин ол оның саламатлығы ушын пайдалы екенлиги сөзсиз, ал жаман адам Өжинияз көрсеткеніндей:

«Яман адам достан қашар, я кешер,
Яманның, яхшыға хурмети болмас»,—

деп доссылықтың жаман екенлигин көрсетеди. Адам қәдирин билиў, өзинин, қәдирин билиў, жәмийет қәдирин билиў. Сонын ушында Өжинияз «Адам улы хешўақ қапа болмасын», — деп шақырады хэм бир-биреўдің қәдирине жетип, қапа бағышламаўға талпындырып оны хәмменин иси ретинде бағалайды. Ол белгили данышпан Конфуцийдің айтқанындай: «Өзиңе не қәлемесең, кисигеде соны ислеме», — деген көрсетпесин нақ тутады. Адам не ушын қапа болыўы керек. Себеби адамлардың хәммеси эзелден қайырлылық ислеў ушын жаратылған. Ол адамның инсаныйлық табиғый қәсийети. Ал, жаўызлық, мийримсизлик шенде-шен қубылыс, инсан тәбиятына жат, соның ушын түршиктиреди, ядында қалады.

«Жақсыда апығў — кек болмас,
Бир яманлық ядтан кетпес»,—

дейди Өжинияз.

Өжинияз шығармаларында қәдир түсиниги ең шарапатлы, ең әхмийетли категория. Ал оны Алланың бир аты ретинде келтирип оған жоқары баға береді. Ол: «бендедурман, ыразыман қәдир қуданың хәмирине» десе екінши бир қосығында: «Бәршени яратқан қәдир қудадан, инаят болмаса султан болурма» деп қәдир түсинигин жүдә жоқары қояды.

Улыўма Өжинияз шығармаларында қәдир, қәдирият, қәдирданлық өмирдеги барлық социаллық, сиясий таманларының хәммесин өз ишине алады. Әсиресе ол адам қәдирин билиўди хаял-қызлардың гөззаллығын қәдирлеў менен анлаў менен хэм оны қәстерлеў менен ушластырады.

Сонлықтан да, гәрезсиз Өзбекстанда пухаралардың қәдирлениўи, олардың еркинлигинин абзаллығын қәстерлеў, миллий идеологиянын тийкарғы шәртлеринин бири болыўына байланыслы өзлигимизди уирениўде Өжинияздың қәдир-қымбатты бағалаўдағы пикир дүньясы үлкен әхмийетке ийе.

Жуўмақлап айтқанда Өжинияздың қәдир хәккында пикирлерын хэм онын әхмийети қарақалпақ әдебиятында жана тақырып болып, ол адамлар мүнәсибегине хызмет етип, халықларды мәдениетлылыққа, әлпайымлыққа үндеўде хэм бағдарлаўда үлкен әхмийетке ийе.

Адам қәдири хәзирги гәрезсизлик заманында сиясат тараўында адам хуқықы менен ушласып, оны билиў хэм оны қәстерлеў, оны түсиниў, оны қорғаў адамның қәдирин көтерип оған тәзим етиўге шақырады.

Демек, Өжинияздың қәдир хәккында ойлары хәзирги дәўирдеги гейпаралардың қәдир не, қымбат не деген мәселеге түсинбестен, өзиниң жеке пикирине ийе болмай, бузақылардың сөзине ерип, Өзбекстанның Конституциялық дүзимин кулатыўды ойлап, елди Президентимиздің әдил сиясатынан тайдырыўға урынғанлардың наданлығын, халық дәстүрине, ислам тапсырмаларына елдің Ұатанның қәдирлигине жат ислер екенлигин толық аңлаўға мүмкиншилик береді хэм хәзирги И. А. Каримовтың инсанды ең жоқары жәмийетлик қәдириятлар үстинлигин тәмийнлеў сиясатынын әмелге асыўында Өжинияз бабамыздың қәдир хәккындағы пикирлери әлбетте жәрдем береді.



Әдебиятлар:

- 1.Махтумқули. Танланган асарлар. - Т., 1958. 431-б.
- 2.Эжинияз. Шығармалары. 66-69-б. - Там же. 131-б.



КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА АМАЛИЙ ДАСТУРЛАРДАН ФЙДАЛАНИБ АХБОРОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

Каюмова Насиба Ашуровна

Қарши давлат университети, педагогика фанлари номзоди,
"Информатика ўқитиш методикаси" кафедраси доценти.

Суропов Баходир Майдонович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
"Ахборот технологиялари" кафедраси мудир.

E-mail: bahodir.suropov@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада фойдаланувчилар учун компьютер ва интернет тармоғида ахборотларни ҳимоялашда амалий дастурлар ҳамда уларнинг имкониятлари ёритиб ўтилган.

Таянч сўзлар: ахборотларни ҳимоялашда ҳавфсизлик деворларини ҳосил қилиш, шифрлаш ва пароллаш.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари бизнинг кундалик ҳаётимизнинг барча жабхаларида сезиларли ўзгаришларни олиб кирмоқда. Ҳозирги кунда "ахборот тушунчаси" сотиб олиш, сотиш, бирор бошқа товарга алмаштириш мумкин бўлган махсус товар белгиси сифатида тез-тез ишлатилмоқда. Шу билан бирга ахборотнинг баҳоси кўп ҳолларда ўнинг узи жойлашган компьютер тизимининг баҳосидан бир неча юз ва минг баробарга ошиб боради. Шунинг учун тамомила табиий ҳолда ахборотни унга рухсат этилмаган ҳолда киришдан, қасддан ўзгартиришдан, уни ўғирлашдан, йўқотишдан ва бошқа жиноий характерлардан ҳимоя қилишга кучли зарурат туғилади [1].

Бизга маълумки ахборотларни ҳимоялаш қадим замонлардан муҳим омил ҳисобланган. Қадимда ахборотни ҳимоялаш учун турли хил усул ва воситалардан фойдаланилган. Улардан бири - сирли ёзувдир. Сирли ёзувдаги ахборотни ҳабар юборилган манзил эгасидан бошқа шахс ўқий олмаган. Асрлар давомида бу санъат - сирли ёзув жамиятнинг юқори табақалари, давлатнинг элчихона резиденциялари ва разведка вазифаларидан ташқарига чиқмаган. Фақат бир неча ўн йил олдин ахборотларни жўнатиш ва қабул қилишдаги барча жараёнлар тубдан ўзгарди, яъни ахборот юқори қийматга эга бўлиб, кенг тарқалиш имконияти мавжуд бўлган қимматли маҳсулотга айланди [2]. Ахборотни эндиликда ишлаб чиқарадилар, сақлайдилар, узатадилар, сотадилар ва сотиб оладилар. Булардан ташқари уни ўғирлаш, бузиб талқин этиш ва сохталаштириш мумкин. Шунинг учун ҳам, жамиятда ахборотларни ҳимоялаш зарурияти туғилади [3]. Юқоридагиларни инобатга олиб, биз компьютердаги ахборотларни сақлашда ҳавфсизлик деворларини ҳосил қилиш, шифрлаш, пароллаш каби ҳимоялаш имкониятини яратиб берувчи кичик дастурлар тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Ахборотларни сақлашда ҳавфсизлик деворларини ўрнатиш.

1. PROtector firewall 1.2.10.0-бу дастурнинг имкониятлари шундаки: Дастур тармоқда ишловчи компьютерларга мослаштириб ишлаб чиқилган. Дастур компьютерни интернет орқали бўладиган ҳужумлар ва маълумотлар ўғирланишидан сақлайди. Дастур имкониятларидан яъна бири компьютерда минимал техник қурилмалар ўрнатилишига қарамасдан тўхтовсиз ишлашидадир. PROtector firewall дастури ишончли ахборотлар рўйхатини тузиш ёки уларга ҳавфсизлик деворларини ўрнатишни автоматик тарзда бажариш имкониятига ҳам эга. Дастур мукамал



интерфейс бўлгани учун фойдаланувчилардан қўшимча билимларни талаб қилмайди. Дастурда жадвал бўйича калитли сўзларни излаб топиш ва фойдаланувчига тўлиқ ҳисобот бериш имконияти ҳам мавжуд. Фойдаланувчи хусусиятларидан келиб чиқиб дастурни 5 хил усулда автоматик ва буйруқларини танлаб ишлатиш мумкин. Интернет тармоқлари ёрдамида дастур ўзгаришларини ва модулларни қулай ва бепул тарзда янгилаш мумкин. Фойдаланувчи талабига кўра PROtector firewall 1.2.10.0 дастурини ўчириш ёки иш фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳам мумкин.

2.Privatefirewall 6.1.20.24 -бу дастурнинг имкониялари шундаки: дастур шахсий ҳавфсизлик девори бўлиб, тармоқдаги таҳдидлар ва ҳавфли иловалардан шахсий ва офисдаги компьютерларни ҳимоялаш учун ишлаб чиқилган. Дастур созуламалари фойдаланувчилардан махсус билимларни таълаб қилмайди. Privatefirewall дастурини компьютерга ўрнатилган кейин, ўз функцияларини самарали амалга оширишни бошлайди. Лекин илғор фойдаланувчилар учун дастур таркибида катта ҳажмдаги созуламалар ва параметрли конфигурациялар мавжуд. Privatefirewall дастурининг ўзи ҳавфсизлик девори каби интеграциялашган, бунда URL адресни филтрлаш, мадуль мониторинг жараёнлари билан ҳамда модуль иловалари билан ишлаш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, дастур портларни кўриш, IP-пакетларни кузатиш ва бошқа фойдали функцияларга ҳам эга.

Ахборотларни сақлашда шифрлаш усулидан фойдаланиш.

1.Lock_Screen -бу дастур шахсий компьютерни вақтинчалик тарк этган фойдаланувчилар учун жудаям қўлай ҳисобланади. Масалан ахборотларни сақлашда бегона фойдаланувчилардан ва болалардан ҳимоялаш. Фойдаланувчилар бу дастурни ўрнатишгач монитор экранини қулфлаш имкониятига эга бўлишади. Лекин бунинг учун аввал дастурдан "Шифрлашни ўрнатиш" буйригини танлаш лозим. Фойдаланувчи монитор экранидан шифрлаш буйригини танламаса ҳам бўлади аммо ахборотларни сақлаш сезиларли даражада пасаяди. Дастур ишга тушганидан сўнг "Экранни қулфлаш" тугмасини босиш тавфсия этилади. Асосий экран блоклангач бошқа фойдаланувчи папка ва файлларни очиш, пуск менюсидан фойдаланиш каби амалларни бажара олмайди. Блокланган монитор экранини очиш учун эса клавиатурадан "F" тугмасини босиш кифоядир. Бошқа ҳолатлар учун компьютерни қайта ўчириб ёқиш тавфсия этилади.

2.Wise Folder Hider Portable v2.02.83 -Махфий файлларни яшириш учун қулай утилита ҳисобланади. Бу утилита компьютерда бир неча киши ишласа ҳам мукамал махфийликни таъминлаб беради. Масалан ишхонадиги ҳамкасблар ёки уйдаги қариндошлардан. Бегона шахслар учун Wise Folder Hider дастури фойдаланувчисининг барча шахсий маълумотларини-расмлар, ҳужжатлар, ва ёзишмалар сингари сақлайди. Фойдаланувчи бу дастурнинг қулайлиги ва самарадорлигидан фойдаланиб компьютердаги файлларини ва ҳужжатларини бегона кўзлардан сақлаши мумкин. Дастур сермахсуллиги туфайли бегона шахслар сизнинг файлларингиз шифрланганлигини тахмин ҳам қилишмайди, бу жараён керакли ҳужжатларни келажакда компьютер хотирасидан ўчирмаслик ва нусха кўчириб олмасликда жуда катта қулайликлар тўғдиради. Шунингдек шифрланган маълумотлар мақсадли ёки тасодифий ўчириб юборилишидан ҳам ҳимояланган бўлади. Wise Folder Hider дастури ўзининг мукамаллиги, самарадорлиги, енгил ишлаши, қулайлиги жихатидан бошқа шифрлаш қобилиятига эга бўлган дастурлардан ажралиб туради. Маълумотларни сақлашда пароллаш усулидан фойдаланиш.

1.dirLock 1.4-бу дастурнинг имконияти шундаки: ушбу дастурнинг эътиборли томони шундаки унинг хажми кичик ва бепулдир. dirLock 1.4 дастури барча



NTFS тизимида ишловчи операцион системаларга мўлжалланган. Бу дастур ёрдамида фойдаланувчилар исталган каталогларни пароллаш, паролдан чиқариш ишкониятига эга бўлишади. Бундан кўриниб турибдики компьютер экранини пароллашдан кўра керакли папкани пароллаш имконияти мавжуд. Яна бир имкониятларидан бири бу папкаларни яшириш, бошқа фойдаланувчилар сиз пароллаган папкаларни ўчираолмаслигидадир. Лекин қўлаб папкаларни пароллаш тавсия этилмайди, чунки бу жараён жуда секин амалга оширилади. dirLock 1.4 дастурининг менюси жуда содда қилиб ишлаб чиқарилган фойдаланувчи бор йўғи танланган папкани устига сичқончанинг ўнг тугмасини босиш ва пароллаш буйриғига жўнатишдан иборатдир. Яъни "Lock" фойдаланувчи томонидан танланган жорий папкани пароллаш, "Unlock" папкани очиш ва паролни киритиш.

2.USB Manager 1.81-дастур имкониятларини ёритадиган бўлсак, бу дастур компьютерда USB порти билан ишловчи қурилмалар ишини бошқаришдан иборат. Дастур компьютерда жойлашган USB портларини ўчириш (принтер, сканер, флешка ва б.) яъни уларни ишини тўхтатиш ёки уларни ишлаши учун рухсат бериш имкониятини яратади. Дастурнинг фойдали томони шундаки, офисларда бегона шахслар томонидан USB портлари орқали компьютердан маълумотларни нухалаб олмаслиги ва уларни принтер ёрдамида босмага чиқармасликни таъминлайди [4]. Шунингдек, бугунги кунда замонавий хавфсизлик воситалари мобиль тизимларнинг хавфсизлиги масалаларини тўлиқ ҳал этмаяпти ва зарарли ҳаракатларнинг юзага келиши мумкин бўлган хавфларини баҳоламоқда. Шу муносабат билан, уяли алоқа дастурларининг асосий таҳдидлари ва заиф томонларини тизимлаштириш, кейинчалик мобиль тизимлар учун амалий дастурларда ахборот хавфсизлиги таҳдидларини баҳолаш методологиясини шакллантириш учун бир қатор вазифалар пайдо бўлади [5]. Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, юқорида келтирилган дастурлар фойдаланувчиларнинг компьютер ва интернет тармоғида ишлаш жараёнида керакли ахборотларни ҳимоялашда самарали, тизимли, комплекс ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Батаева И.П. Защита информации и информационная безопасность. <https://cyberleninka.ru/article/n/zaschita-informatsii-i-informatsionnaya-bezopasnost>
2. Яшина А.М. Современные способы защиты информации и информационная безопасность. Труды Международного симпозиума "Надежность и качество", 2018, том 2. <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-sposoby-zaschity-informatsii-i-informatsionnaya-bezopasnost>
3. Сурупов Б.М. Ахборот-коммуникация технологияларини ўқитиш методикаси. Иқтисодиёт йўналиши талабалари учун услубий қўлланма. -Тошкент. "Фан ва технологиялар", -2018. 104 бет.
4. Программы для защита информации. <https://coba.tools/zaschita-informatsii>
5. Зубков К. Н., Диасамидзе С. В. Проблемы защиты информации в приложениях для мобильных систем. Intellectual Technologies on Transport. 2017. No 2. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-zaschity-informatsii-v-prilozheniyah-dlya-mobilnyh-sistem>



ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ В ЦИФРОВОМ ПРОСТРАНСТВЕ

Расулова Мохирахон Саидаъло кизи

студент, Ташкентского государственного педагогического университета
имени Низомий, г.Ташкент, Узбекистан
makhira.rasulova@mail.ru

Аннотация: В статье рассматриваются особенности цифрового поколения молодежи, сформировавшихся в условиях современного общества. Роль цифровой технологии в Узбекистане. Так же рассматривается изучения такого феномена как "Поколение Z". Это словосочетания используются сегодня для обозначения поколения детей и молодежи, прошедших социализацию в условиях широкого распространения цифровых технологий.

Ключевые слова: цифровая поколения, "поколение Z", цифровое обучение, индивидуализация, психолого-педагогическая теория образования.

На сегодняшний день цифровая технология занимает лидирующую позицию. Переход к данной системе является неотъемлемой частью планов Узбекистана. Цифровая система необходима в каждой сфере: в медицине, в экономике, в образовании и т.д. Данное новшество позволяет перешагнуть человеку на новый этап развития; сэкономить драгоценное время, в то же время и черпать больше информации. Доступность информации и возможностей помогает каждому из нас становиться более просвещенными индивидуумами. В настоящее время в Узбекистане реализуется ряд инициатив, направленных на создание необходимых условий для развития роли молодежи в Цифровой системы, что, в свою очередь, повышает конкурентоспособность страны, качество образования, профессионально грамотных, конкурентоспособных кадров.

Как справедливо отметил Первый Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов, "Мы должны однозначно для себя уяснить - не изменив систему образования и воспитания, нельзя изменить сознание людей, а значит, осуществить коренные изменения и в образе нашей жизни, невозможно достичь высшей цели - построить свободное и процветающее общество"

Цифровые технологии обладают огромным потенциалом для расширения охвата образованием и повышения его качества, однако проблемы в сфере образования нельзя устранить одними лишь технологиями. Для оптимизации обучения детей необходимо, чтобы цифровые средства применялись в условиях наличия хорошо подготовленных преподавателей, мотивированных учащихся и продуманной педагогической системы. Дети и молодежь, подключенные к интернету, высказывают свои мнения в блогах, видеообращениях, социальных сетях, журналах, комиксах, хэштегах, и других формах представления информации. Цифровые технологии уже способствуют расширению доступа к высококачественному учебному контенту, включая учебники, видеоматериалы и дистанционное обучение, по гораздо более низкой стоимости, чем это имело место в прошлом. Они способны повысить мотивацию учащихся, сделав учебный процесс более занимательным и органичным. Кроме того, они обладают потенциалом по созданию возможностей для персонализированного обучения, который помогает школьникам и студентам учиться в собственном темпе и позволяет преподавателям, имеющим ограниченные ресурсы, обеспечивать им лучшие возможности для учебы.

В сфере образования к данной категории относятся мотивация учащихся,



потенциал преподавателей и продуманная педагогическая система. Имеющиеся данные свидетельствуют о том, что при наличии позитивно ориентированных людских ресурсов технологии приносят пользу для организации обучения.

В процессе цифрового обучения живая речь школьника и студента - средство формирования и формулирования мыслей - выключена, по определению. Поэтому, если пойти по пути тотальной индивидуализации обучения с помощью персональных компьютеров, можно прийти к тому, что будет упущена сама возможность формирования творческого мышления, которое по своему происхождению диалогично. Важно найти психологически, физиологически, педагогически и методически обоснованный баланс между использованием возможностей компьютера и живым диалогическим общением субъектов образовательного процесса - педагога и обучающихся.

В цифровом обучении известен принцип индивидуализации. И в традиционном обучении он должен пониматься не как изоляция одного обучающегося от другого, тем более от педагога, а как развитие индивидуальности каждого через других, недаром Л.С. Выготский ввел понятие "зона ближайшего развития": то, что может делать ученик в сотрудничестве с педагогом (и другими учащимися, добавлю я), то на следующем шаге своего развития он может сделать это самостоятельно. Более того, учёный писал, что всякая психическая функция появляется на сцену дважды - сначала как социальное, затем как психологическое, сначала как интерпсихическое, затем как интрапсихическое

Принцип индивидуализации, понимаемый как оставление каждого обучающегося наедине с компьютерной обучающей программой:

а) ещё больше усиливает отрыв обучения от воспитания;

б) лишает обучающегося возможности полноценного психического развития, как это происходит в так называемом "чиповом обучении", при котором ребёнку вживляют под кожу чип с обучающей компьютерной программой, формирующей у него правильные поведенческие реакции. .

Ряд особенностей представителей "цифрового поколения":

- дети по большей части общаются с внешним миром преимущественно через экраны мобильных телефонов и дисплеи компьютеров;

- для большинства молодежи трудно заводить друзей в реальном мире; виртуальное общение преобладает над личным; дети быстро вступают в онлайн-контакт, однако реальные дружеские связи для них затруднены;

- каждый день дети и подростки успевают просмотреть множество экранов, поэтому у них растёт скорость восприятия информации, однако они с трудом удерживают внимание на одном предмете;

- для детей гораздо привычнее читать короткие новости, чем какую-нибудь статью; образ их мыслей отличается фрагментарностью, а суждения - поверхностностью;

- растёт число детей поколения Z, страдающих от избыточного веса;

- у них размыты социальные и гендерные ориентации, возникают проблемы самоидентификации; зыбкими становятся понятия брака и семьи;

- отсутствует реальный жизненный опыт, дети не могут решать даже небольшие проблемы, они вырастают чувствительными и пессимистическими, немногие смогут добиться независимости собственными усилиями;

- Z-поколению присуще "витание в фантазиях", им с трудом удаётся отделить черты виртуальных героев от реальных; основная причина оторванности от реальности - навязчивая массовая культура;

- почти всю информацию дети поколения Z получают из Сети, что придает



им уверенности в своих взглядах, которые далеко не всегда правильны;

- дети этого поколения ориентированы на потребление и более индивидуалистичны, чем дети предыдущего поколения; они нетерпеливы и сосредоточены в основном на краткосрочных целях, при этом менее амбициозны.

Ряд выводов:

1. необходимо проведение фундаментальных и прикладных исследований, направленных на раскрытие психолого-педагогических, педагогических и иных закономерностей общего и профессионального развития детей, подростков и студентов - представителей "цифрового поколения";

2. главным направлением исследований должны явиться не столько закономерности переработки человеком информации и механизмы работы мозга в сложившихся социокультурных условиях, чем занимаются и должны заниматься когнитивные науки, а закономерности личностного развития человека в системе непрерывного образования, начиная с момента его появления на свет; органичное место в этих исследованиях должны занять проблемы воспитания;

3. становятся всё более актуальными исследования, направленные на выявление механизмов влияния разного рода контекстов на смысл воспринимаемой обучающимся информации;

4. необходимо серьёзное повышение квалификации учителей, преподавателей, всех работников образования, а также родителей, в рассматриваемой проблемной области, соответствующее научно-методическое обеспечение деятельности педагога на всех уровнях системы непрерывного образования;

Представляется, что в качестве научной основы, к которой может быть "привязана" цифровизация обучения, в наибольшей мере способна стать психолого-педагогическая теория контекстного образования.

Список литературы

1. Вербицкий, А.А.? "Цифровое поколение: проблемы образования / А.А. Вербицкий // Профессиональное образование. Столица. - № 7. - 2016. - С. 10-13
2. Нечаев, В.Д.? "Цифровое поколение": психолого-педагогическое исследование проблемы / В.Д. Нечаев, Е.Е. Дурнева // Педагогика. - 2016. - № 1. - С. 36-45.



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

Холматов Шерзод Алиевич

Андижон шаҳар ХТБ ва ЧҚБТ методисти

Котова Раиса Фахимовна

Андижон шаҳар 11-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси

Ходжиматов Шавкатжон Жўраахматович

Андижон шаҳар 31-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси

Аннотация: Жисмоний тарбия дарсларида ёшларда она ватанга муҳаббат, фидоийлик, мардлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Ватанпарварлик, миллий қадриятлар, жисмоний баркамоллик, жасурлик, мардлик, матонат, ҳаракат кўникма, малака

Ёшларни она-ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, аждодларимиз мероси ва миллий қадриятларимиз ҳақидаги тушунчаларни сингдириш билан замонавий илм, ҳунар сирларини ўрганишлари учун имкониятлар яратиб бериш, ҳозирги давр педагогикаси ва таълим тарбия жараёнларининг асосий вазифаси саналади. Ҳозирги кунларда ёш авлод тарбиясига маъсул бўлган барча ўқитувчи, педагог, мураббий ва жамоатчиликдан ўз хизмат вазифаларида маъсулият билан иш ташкил этишга ҳамда фидокорона меҳнат қилишни талаб этади.

Ёш авлодни комил инсон сифатида вояга етишларида аввало оила муҳити бирламчи ҳисобланиб, маҳалла, жамоатчилик ва мактаб жамоасининг ҳамкорликдаги режали таъсирлари катта аҳамиятга эга. Ўқувчи ёшлар онгидаги Ватан, жамият манфаатларига зид ғоялар ва зарарли одатларни бартараф этишда ўқитувчи педагоглар томонидан мунтазам равишда, бундай жамиятимиз учун зид ғоя ва одатларнинг ёмон оқибатлари ҳақида атрофлича тушунтириш ишларини олиб боришни талаб этади.

Бунинг натижасида ўқувчи ёшлар онгида она ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини сингдириш учун муқобил вазиятлар юзага келади. Ёш авлод онгида ватанпарварлик туйғуларини уйғун шакллантиришда ўқитувчи, педагог ва мураббийлардан ўз касбининг мохир устаси, дунёвий илмлардан хабардор, замонавий ўқитиш усуллари билан ҳар томонлама яхши қуролланган мутахассис бўлишни ҳамда фидоийликни талаб этади.

Жисмоний тарбия дарслари, машғулотларида ўқувчиларда ҳаётий зарур бўлган ҳаракат кўникма ва малакаларини ривожлантириш жараёнида Ватанимизнинг фидоий фарзандлари А.Темур, Ж.Мангуберди, Тумарис ва Алпомишларнинг тарихий шахс сифатида шаклланишларида уларнинг жисмоний баркамоллиги, жасур, мард ва матонатли бўлишларида жисмоний машқлар ва миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинларининг тутган аҳамияти ҳақидаги тушунчаларни бериб борилиши мақсадга мувофиқдир. Шундай экан тинчлик жарчилари ўзларининг ҳар томонлама шунга мос келишларини, улардаги барча фазилатларни муносиб бўлишини тарбиялаш учун, тренерлар ўқув машғулотларни жараёнларида астойдил меҳнат қилишлари керак. Бунда асосан ўтмишимиз сабоқларидан, аждодларимизни кўрсатган жасоратларидан ҳамда алломаларимизнинг қолдирган панду-насиҳатларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яна шуни эътиборга олиш керакки ўзбек оилаларида кураш усуллари билан шуғулланиш миллий анъана ва урф одат даражасига кўтарилган.



Ўзбек замини қадимдан буюк алломалар, полвон ва паҳлавонлар юрти хисобланиб келган. Халқимиз ўзининг миллий ғурури, ифтихори, меҳмондўстлиги ва тантилиги билан бошқа миллатлардан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистон республикаси мустақиллигига эришгандан кейин ҳамма соҳаларда ўзининг тараққиёт йўлини ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Қўллаб маҳоратли спортчиларимиз халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритишиб, давлатимиз мадҳияси садолари остида байроғимизни юксакка кўтарилиши оқибатида, ўзбек халқи дунё халқларига ўзлигини намоён қилди.

